391
A
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

50 (534) ● 2018 йил 19 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИГА МОС ИЛҒОР КАДРЛАР КЕРАК

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни мамлакатимизда замонавий кадрларга эҳтиёжни таъминлаш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.***

Кейинги йилларда таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Президент қарори билан 2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Жорий йилда мамлакатимизда 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилди. Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишлари бошланди.

Албатта, бундай эътибор яқин келажакда ўз самарасини беради. Лекин барча соҳаларда жадал ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда мамлакатимизга шу суръатга мос илғор кадрлар бугун ҳам керак.

Ҳозирги тизимли ўзгаришлар жараёнида аксарият мутахассисларнинг бунга тайёр эмаслиги, уларнинг билими, малакаси ва кўникмаси замон талабига жавоб бермаслиги аён бўлиб қолди.

Масалан, хорижда магистратура ва докторантурада ўқитиш, малака ошириш ва стажировка ташкил қилиш бўйича дастлабки эҳтиёж 3,5 мингдан ортади. Юртимизда халқаро илмий ва амалий тажрибага эга 600 нафардан зиёд ватандошимизга эҳтиёж мавжуд. 1000 га яқин хорижий олим ва экспертларни жалб этишга талаб бор.

2-бет

Назорат ва таҳлил

## ҚАЙСИ ҲУДУДДА ҚАНДАЙ МУАММО БОР?

Республика ишчи гуруҳи ўз фаолиятида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда

***Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида парламент фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб, Олий Мажлис палаталари аъзолари фақат қонунлар ижросини кўриб чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланиб қолмай бевосита жойларга чиқиб, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни мунтазам ва тизимли ўрганиб бориши, уларни ҳал этиш бўйича Ҳукумат ва ҳокимликлар олдига вазифа ва таклифлар қўйиши, талаб қилиши, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштиришга доир аниқ чоралар кўришлари зарурлигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, бугун ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида парламент вакилларининг фаол иштироки, ўз ваколат ва ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши кўзланган мақсад ва натижаларга эришишда муҳим омил бўлади.***



2-бет

Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун

## ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

фуқароларнинг дарду ташвишини аритиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилмоқда

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, жумладан, улар учун муносиб шароит яратиш, ёшларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш, иш ва уй-жойлар билан таъминлаш каби ҳаётий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратди.***



Дарҳақиқат, одамларнинг маълумотли, ишли бўлиши, муносиб турмуш кечириши долзарб масала саналади. Бу, ўз навбатида, давлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига ҳам муайян вазифаларни юкламоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам бу жараёнда фаол иштирок этишга интилаётир. Йилнинг якунланаётгани "ғалвирни сувдан кўтариш" палласи етганини, партия ташкилотлари ва депутатлар бу борада қандай иш олиб боргани, қай усул ва воситалардан фойдаланганини таҳлил қилишга имкон беради.

Бир гуруҳ ЎзМТДП фаоллари билан ўтказилган онлайн мулоқотда"Уйма-уй", "Депутат билан юзма-юз", "Сайёр қабул" каби амалий лойиҳалар, жойлардаги ўрганишлар тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлаётгани, бунда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари, талаб ва истаклари ўрганилиб, ҳал этилаётгани таъкидланди. Бинобарин, Президентимизнинг ҳудудларни комплекс ривожлантиришда белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, бундай сайёр қабуллар ўтказиш партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари фаолиятининг узвий қисмига айлангани эътиборга молик.

3-бет

Мулоҳаза

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ — БАРЧАНИНГ ИШИ

***Коррупция — тараққиёт йўлига жиддий тўсиқ, жамият ривожи, соҳалар юксалишига бевосита таҳдид туғдирадиган иллат. Шу боис мамлакатимизда унга қарши кураш чораларини кучайтириш, таг-томири билан йўқотиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида бунга яна бир бор эътибор қаратиб, " Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт" деб алоҳида таъкидлади.***

Дарҳақиқат, коррупция — аниқланиши, юзага чиқарилиши нисбатан қийин жиноят. Мисол учун, ўғирлик содир этилганда, ўзганинг мол-мулки ноқонуний ва яширин равишда талон-тарож қилинади. Жиноят факти шундоқ кўриниб туради — мулкдор мулкидан ажралади, унинг мулкини қайтариш керак ва у яна бўлғуси даъвогар. Бундай вазиятда ўғрини топиш керак, холос.

Аммо пора олиш ва беришда жиноий ҳаракат факти яширин, яққол кўринмайди. Пора берувчи ўз манфаати йўлида ва ишини битириш учун мулк ва маблағидан жиноий мақсадда фойдаланади.

3-бет

Муносабат

## БИЛИМ БИЛАН САОДАТ ЙЎЛИ ОЧИЛАДИ

Президентимизнинг Конституция кунидаги маърузасини тинглаб...

***"Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса – тараққиётнинг кафолатидир". Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси шундай номланган.***

Чиндан ҳам, билимли авлод бахтли бугунимиз, ёруғ эртанги кунимизнинг эгаларидир. Дунёда энг катта бойлик – ёшликда олинган билим ва эгалланган касб-ҳунар, дейилгани бежиз эмас. ***"Заковатли уқади, билимли билади, билимли, заковатли тилакка етади"***, деган улуғ аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб. Яна бир донишманд бобомиз Аҳмад Югнакий сўзлари билан айтганда, ***"Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра, илмли бўл, бахт йўлини изла"***.

Билим ҳақида фикр юритганда, давлатимиз раҳбари Конституцияни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш – барчамизнинг шарафли бурчимиз эканини таъкидлагани ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Бинобарин, эътироф этилганидек, ***"Асосий қонунимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда беқиёс ўрин эгалламоқда"***.

4-бет

## ИШЛАЁТГАН ПЕНСИОНЕРЛАР ЭНДИ ҲАМ МАОШ, ҲАМ ПЕНСИЯНИ ТЎЛИҚ ОЛАДИ

***Бугун мамлакатимизда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти соҳасида ягона тизим шаклланиб, мазкур соҳани тартибга солиш борасида ҳуқуқий база яратилди. Ёши улуғ инсонларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларнинг ҳаёт даражасини ошириш, саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, мазмунли дам олишларини ташкил этишга хизмат қилаётир.***

Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари билан фахрий унвонларга эга меҳнат қилувчи пенсионерлар меҳнат шартномаси асосида илм-фан, адабиёт ва санъат соҳаларида ижодий ишлари учун қалам ҳақи (гонорар) кўринишида даромад олиши баробарида уларга нафақа пуллари ҳам тўлиқ ҳажмда тўланиши белгиланган эди. Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар тиббиёт муассасаларида ишлаётган фахрий шифокорлар, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган пенсионерлар ҳам пенсия пулларини тўлиқ олиши белгилаб қўйилди. Бундай имтиёз "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари бошқарув аппарати таркибига кирадиган пенсионер ходимларга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг пенсионер ходимларига ҳам берилган эди.

2-бет

ОБУНА-2019

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158

Газетамизга обуна давом этмоқда!

*Саънат ва маданиятга оид мавзуларга бағишланган мақолалар, таниқли актёр ва актрисалар билан мароқли суҳбатлар ва соҳага оид энг сўнгги ўзгаришлардан бохабар бўлмоқчимисиз, унда "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!*




Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
актриса

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Яъни, бугун кечиктириб бўлмайдиган, оддий илмий ва илмий-педагогик кадрларга эҳтиёж 5 мингдан зиёдни ташкил этади. Агар ишлаб чиқаришдаги талаб ҳам инобатга олинса, бу рақам камида 50-100 баробар ошади.

– Бу ҳали бугунги эҳтиёж. Яқин ва узоқ истиқболдаги иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан бизга қайси соҳа учун қандай мутахассис керак бўлади? Шуни ҳозирдан чуқур ўйлашимиз, замон талаби, ислоҳотлар шиддатига мос кадрлар тарбиялашимиз керак. Келажагимиз, эртанги кунимиз бу масалани бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ, – деди Шавкат Мирзиёев.

# ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИГА МОС ИЛҒОР КАДРЛАР КЕРАК

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 сентябрдаги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси ташкил этилган эди.

Жамғарма зиммасига ўзбекистонлик иқтидорли ёшларни магистратура ва докторантура дастурлари бўйича ўқитиш, турли соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларни мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга жалб қилиш, чет элдаги университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлашга қўмак бериш вазифалари юклатилган.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 2019 йилда давлат бюджетидан 45 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, бу маблағ янада ошириладиган бўлди.

Йиғилишда шу йўналишдаги ишларни тўғри ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасига "Эл-юрт умиди" жамғармаси билан биргаликда барча вазирлик ва идоралар кесимида хорижда кадрлар тайёрлаш, стажировкасини ташкил қилиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Эл-юрт умиди" жамғармасига кадрларни хорижга юбориш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ва танлов эълон қилиш бўйича топшириқ берилди.

Жамғарма Ташқи ишлар вазирлиги, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда хорижда катта тажрибага эга бўлган ватандошларимиз тўғрисидаги маълумотларни шакллантириб бориши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мамлакатлар ва мутахассисликлар кесимида ватандошлар тўғрисида маълумотлар реестрини тезроқ ишга тушириши зарурлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга жалб этилаётган ҳар қандай хорижий инвестициянинг маълум бир қисмини малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтириш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш, уларнинг касб малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 30 майдаги "Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида вазирлик, идора ва ташкилотларда раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида танлов ўтказиш белгиланган эди.

Танловнинг дастлабки босқичидан сўнг 8 минг 334 талабгордан 3 минг 825 нафари кейинги босқичларга тавсия этилди. Якунда 50 нафар юқори малакали кадр танлаб олинади.

Давлатимиз раҳбари танловнинг финал босқичи иштирокчилари малакасини қисқа муддатли курсларда ошириш зарурлигини таъкидлади. Танлов ғолибларининг стажировкаси қайси ривожланган мамлакатда, қайси ташкилот ва қандай мезонлар асосида ўтказилишини аниқ белгилаш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда қайд этилган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланди.

**ЎзА**

**Муносабат**

# ИШЛАЁТГАН ПЕНСИОНЕРЛАР ЭНДИ ҲАМ МАОШ, ҲАМ ПЕНСИЯНИ ТЎЛИҚ ОЛАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, жумладан, улар учун муносиб шарт-шароит яратиш, ёшларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш, иш ва уй-жойлар билан таъминлаш каби ҳаётий масалаларни ҳал этиш устувор вазифа эканини, бу каби хайрли ишлар келгусида ҳам тизимли равишда давом эттирилишини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 12 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борадаги мақсад-режаларнинг амалий рўёби, сўз ва амал бирлигининг ифодасидир.

Фармонда белгиланганидек, пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда уларнинг салоҳияти, тажрибаси ва билимини тўлақонли жалб қилиш, пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш, мазкур йўналишда халқаро тамойил ва стандартларни жорий этиш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача оширилди. Шуни ҳисобга олган ҳолда пенсиялар миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилади.

Таъкидлаш жоиз, пенсия тизимида амалга оширилган мазкур ислоҳот пенсионерларни қўллаб-қувватлаш баробарида келгусида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатларда фахрийларимизнинг салоҳияти, ҳаётий тажрибаси ва билимидан унумли фойдаланиш имконини беради. Ҳар бир жабҳада уларнинг бой тажриба ва кўникмаларидан услубий қўлланма сифатида кенг фойдаланиш, ўз навбатида, соҳалар ривожига катта ҳисса қўшади.

**Козим ТОЖИЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

***Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони нафақат биз, ўқитувчи-профессорлар, балки пенсия ёшидаги барча инсон учун унутилмас воқеа бўлди. Мазкур ҳужжатга кўра, 2019 йил 1 январдан барча ишловчи пенсионерга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади. Бу биз пенсионерларни ҳам қувонтирди, ҳам янада шижоат ва ғайрат билан ишлашга ундайди.***

# КЕКСАЛАРГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗ БИЗНИ ШИЖОАТГА УНДАЙДИ

75 ёшга кирдим, 40 йилдан зиёд умримни таълим соҳасига бағишладим. Лекин ҳали тетикман. Бор билим ва салоҳиятимни келгуси авлодга ўргатишга, уларнинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишида камарбаста бўлишга тайёрман. Чунки ислоҳотлар шиддат билан жадаллашиб бораётган бир пайтда юртимизда барча тармоқни юқори суръатларда ривожлантиришда мустақил ва соғлом фикрлайдиган, шижоатли, билимли, янгиликка чанқоқ кадрлар салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ана шу ёшларга йўл-йўриқ кўрсатадиган, ўзининг бой тажрибасини ўргатадиган, устозлик қила оладиган, мухтасар айтганда, ўз соҳасининг устасига айланган мутахассисларнинг аксарияти бугун пенсия ёшига етган.

Президентимиз имзолаган фармон худди шундай етук олимлар, тажрибали мутахассисларни яна жонажон касбига қайтариш, уларнинг бой малакаси ва илмий салоҳиятини соҳалар ривожига, ёш кадрларни тайёрлашга жалб қилиш учун кенг имконият яратади. Энди ҳар бир ёши улуғ инсон ўз тажриба ва кўникмаси билан ҳам соҳа ривожига, ҳам кадрларни янада маҳоратли, тажрибали қилиб тайёрлашга ҳисса қўшиш имконига эга бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир масканда ёши улуғ инсон бўлса, бу ўша ерда тартиб-интизом, осойишта муҳит ҳукмрон, асосийси, ишда унум, барака бўлади, хато ва камчиликлар камаяди дегани. Сабаби бўлғуси мутахассислар кексалардан нафақат соҳага оид билим ва тажриба олади, балки ҳаётий сабоқларни ҳам ўрганади.

**Орзумурод РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**СамДУ доценти, география фанлари доктори**

**Назорат ва таҳлил**

# ҚАЙСИ ҲУДУДДА ҚАНДАЙ МУАММО БОР?

## Республика ишчи гуруҳи ўз фаолиятида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва тегишли мутасаддилардан иборат ишчи гуруҳи ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни янада кенгроқ ўрганишга киришди. Жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммолар билан танишилиб, уларни бартараф этиш масалалари, ўрганиш якунлари тегишли маҳаллий Кенгашлар сессияларида батафсил муҳокама этилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов раислигида Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл, Мўйноқ, Тахтакўпир, Чимбой, Хўжайли, Кегейли, Элликқалъа, Амударё, Тўрткўл, Беруний туманлари ҳамда Нукус шаҳрида ўрганишлар олиб борди. Ўрганиш натижалари маҳаллий Кенгашлар сессияларида тегишли масъуллар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Жумладан, халқ депутатлари Қонликўл туман Кенгаши сессиясида туманни комплекс ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижроси юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Танқидий таҳлил руҳида ўтган тадбирда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, фуқароларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасидаги ишлар ҳолати қизғин муҳокама қилинди. Бугун юртимизда одамларнинг давлатдан рози бўлиб яшаши, фуқароларни иш билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралаётган бир пайтда туманда мазкур жабҳада олиб борилаётган ишлар етарли эмас. Сессияда айни шу муаммолар чуқур таҳлил этилди, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар очиқ ва рўй-рост айтилди.

Республика ишчи гуруҳи вакиллари туманда бўш турган бинолар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ер майдонлари ҳамда улар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳолати билан ҳам яқиндан танишган эди. Сессияда ана шу ўрганиш натижалари ҳам қизғин муҳокама қилинди.

— Республика ишчи гуруҳи аъзолари туманда фақат муаммоларни ўрганиш билан чекланиб қолмай, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ечимига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди халқ депутатлари Қонликўл туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мийирбек Қулмуратов. — Жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммолар ўрганиляпти, бу борадаги мурожаатларни ҳал этиш чоралари кўрилаётир. Бу эса ҳудуддаги тадбиркор, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада кенгайтиришга хизмат қилади, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, эътибордан четда, кўздан пана қолган бинолар, қаровсиз, бўш ётган майдонлар, фаолияти тўхтаб қолган корхона ва объектлардан ижтимоий фойдали мақсадлар йўлида фойдаланиш чоралари кўрилаётгани айни муддао бўлаётир.

Дарҳақиқат, фойдаланилмаётган объектларни ишга тушириш, тадбиркорлик қиламан деган фуқароларга кредит олиш, кадастр ва бошқа ҳужжатларини тайёрлаш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, фаолиятини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳудуд равнақи ҳамда аҳоли фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади.

Сессияда мазкур йўналишдаги ишлар ҳам таҳлил этилди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Республика ишчи гуруҳининг Чимбой туманидаги ўрганишлари якунлари ҳам туман Кенгаши сессиясида қизғин ва танқидий руҳда таҳлил этилди.

— Бугун мамлакатимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имкониятларни янада кенгайтириш янги иш ўринлари яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, пировардида оддий одамлар турмуш фаровонлигини яхшилаш кун тартибидаги муҳим вазифалардан бирига айланган, — дейди ЎзМТДП фракцияси ҳамда ишчи гуруҳ аъзоси Жолдасбай Абдужамилов. — Тумандаги ўрганишларимиз давомида айни шу мақсадда ижтимоий-иқтисодий объектлар, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишдик. Йиллар давомида тўпланиб қолган, бугун аҳолига қийинчилик туғдириб, уларни ўйлантираётган муаммоларни жойида ўргандик. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари тегишли мутасаддилар билан биргаликда муҳокама қилинди, парламент ва депутатлар назоратига олинди. Мақсадимиз Президентимиз таъкидлаганидек, жойлардаги аҳволни тизимли равишда ўрганиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ва аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшишдир.

Сессияда туманда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, жумладан, куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари ҳам кенг муҳокама қилинди. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммоларни тезроқ ҳал қилиш, аҳолини ёнилғи маҳсулотлари, жумладан, кўмир билан таъминлаш, мавсумни талафотсиз ўтказишга эришиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тўлов маданиятини юксалтириш масалалари долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шунингдек, сессия ишида Олий Мажлис Сенатининг 2018 йил 29 июндаги ҳамда Сенат Кенгашининг 2018 йил 13 августдаги тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга оид қарорларининг тумандаги ижроси ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан аниқланган муаммолар тегишли вазирлик ва идоралар, туманлар мутасаддилари иштирокида атрофлича таҳлил қилинди. Уларни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Республика ишчи гуруҳи аъзолари Тахтакўпир туманида аҳоли билан юзма-юз мулоқотда бўлди, ижтимоий-иқтисодий, коммунал хизмат ва бошқа соҳадаги муаммоларни ўрганди. 40 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган мазкур туманда қатор муаммолар йиғилиб қолгани маълум бўлди. 17 овул фуқаролар йиғини аҳолиси билан олиб борилган мулоқотлар жараёнида фуқаролардан жами 1 минг 200га яқин мурожаат бўлди. Мурожаатларнинг асосий қисми бандлик, ичимлик суви, газ таъминоти, йўл ва соғлиқни сақлаш масалаларига оид.

Маълум бўлишича, туман аҳолиси сифатли ичимлик суви ва марказий иситиш тизими билан лозим даражада таъминланмаган. Ушбу соҳадаги бугунги ҳолатнинг таҳлили аҳолига сифатли ва кафолатланган коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш юзасидан чоралар кўриш зарурлигини кўрсатди. Жумладан, "Қараой" овул фуқаролар йиғинида "Айдос қалъа" сув тарқатиш иншоотини, "Мулк", "Қўнғиратқўл" ва "Жанадаря" ОФЙ ҳудуди аҳолисини ичимлик суви билан таъминлайдиган иншоотни реконструкция қилиш, "Қаратерен" ва "Дийхан" овулларига янгидан сувни тозалаш иншоотини қуриш зарурати вужудга келган. Бир пайтлар германиялик мутахассислар томонидан қурилган сув тарқатиш иншооти қарийб 1000га яқин (5 минг аҳоли) хонадонни ичимлик суви билан таъминлашда муҳим ўрин тутган. Лекин ушбу сув иншооти 2002 йилдан буён яроқсиз ҳолга келиб қолган ва ҳамон шундай ҳолатда. Аҳоли эса ушбу сув тарқатиш иншоотини тиклаб беришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилмоқда.

Шунингдек, туманда оқава сув тармоқлари умуман мавжуд эмас. Айниқса, туман марказидаги икки қаватли қилиб қурилган 22та уйни марказлаштирилган оқава суви тармоғига улаш талаб этилмоқда.

Аҳолининг йўлларни таъмирлаш масаласидаги мурожаатлари билан боғлиқ муаммолар ҳам батафсил ўрганилди. Тумандаги мавжуд жами 375 километр ички йўлларнинг 177,5 километри таъмирталаб. 1-, 9-, 12-, 14-, 16-, 20-сонли умумтаълим мактабларига борадиган йўллар ҳолати мақтанадиган даражада эмас. Ушбу мактаблар ҳудудидаги жами 7 километр ички йўлни таъмирлаш зарурати бор. Бундан ташқари, ҳудуд бўйича автомобиль йўлларидаги 36 кўприк таъмирталаб, яроқсиз аҳволда.

Айни қиш мавсумида аҳолини қийнаётган яна бир масала — хонадонларни табиий ҳамда суюлтирилган газ билан таъминлаш борасидаги мавжуд ҳолат ҳам ишчи гуруҳи вакилларининг диққат марказида бўлди. Маълум бўлишича, "Даўқара", "Белтаў", "Қўнғиратқўл", "Мулк", "Жанадаря" ва "Атакўл" овул фуқаролар йиғинларига суюлтирилган газ баллонлари ўз вақтида етиб бормаяпти. Мазкур ҳудудларда суюлтирилган газ баллонларини тақсимлаш пункти очилса, бу аҳоли учун қулайлик туғдириши айтилди. "Тахтакўпир" шаҳарча фуқаролар йиғини, "Даўир" ва "Айдин жол" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида эса қиш мавсумида газ босими паст бўлади. Бу каби муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича ҳам мурожаатлар бўлди.

Ўрганишлар давомида Тахтакўпирдаги таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти билан ҳам танишилди. Бугун туманда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида жами 162 объект мавжуд. Мазкур ижтимоий соҳа объектларининг айримлари ўта таъмирталаб аҳволга келиб қолган.

Мактабгача таълим муассасалари фаолияти ўрганилганда, 2-, 6-, 14-сонли МТМ биноларини реконструкция қилиш, 13-сонли МТМ биносини тубдан таъмирлаш таклифи билдирилди. "Даўир", "Қаратерен", "Ўзбекистон", "Ғарезсизлик" МФЙ, "Маржанкўл" ОФЙ ҳудудларида эса янги болалар боғчаси биносини қуришга эҳтиёж бор. Туманда қарийб 3 минг 400 мактабгача таълим ёшидаги (3-7 ёшдаги) болалар бор бўлса-да, бугунги кунда МТМга қамраб олингани 2 минг 288 нафар (68,5 фоиз)ни ташкил этмоқда. Ўрганишлар жараёнида туманда янги мактабгача таълим муассасаларининг барпо этилиши, уларни ичимлик суви, газ ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминлаш сингари масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари фаолияти ҳам ўрганилиб, талай муаммо ва камчиликлар аниқланди. Тумандаги таълим муассасаларининг спорт инвентарлари билан таъминланиш ҳолати талаб даражасида эмас. Уларга охирги марта 2015 йилда спорт инвентарлари берилган. Бугунги кунда ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шарт-шароит яратилмаган. 2-, 7-, 8-, 11-, 13-, 14-, 21-сонли умумтаълим мактаблари кутубхоналарида бадиий адабиётлар етишмайди, мебель жиҳозлари эскирган.

Ўрганишлар давомида юртимиз келажаги бўлган ўғил-қизлар тарбиясига барча бирдек жавобгарлиги, уларга сифатли таълим-тарбия берилса, бунинг учун жойларда етарлича шароитлар яратилса, бу келажакда албатта, ўзининг ижобий самарасини бериши алоҳида таъкидланди.

Республика ишчи гуруҳининг тумандаги ўрганишлари сессияда танқидий муҳокама қилиниб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи вакилларининг ўрганишлари Хоразм вилоятида давом этмоқда.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Мулоҳаза

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ — БАРЧАНИНГ ИШИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Пора олувчи эса жамиятда ўрнатилган қонун ва тартибни бузади, ғайриқонуний бойлик орттириб, нафсини қондиради. Ҳар икки жиноий фаолият иштирокчиси ҳам ўз жиноятининг юзага чиқмаслигидан манфаатдор бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, агар жамиятда коррупция жинояти сони кўпайса, бу унинг кучайганини билдирмайди. Аксинча, унга қарши самарали кураш олиб борилмаётганидан дарак беради.

Бугунги кунда дунёдаги барча мамлакат бу яширин, аниқланиши ва юзага чиқариши мушкул бўлган жиноий фаолиятдан азият чекмоқда. Бирор мамлакатда коррупцияга қарши кураш сусайса, аҳоли ўртасида давлат бошқарув тизими ва ижтимоий адолатга ишончсизлик кайфияти кучая бошлайди.

Коррупцияга қарши курашда, айниқса, унинг пайини қирқувчи қонунлар қабул қилиниши, такомиллаштирилиши ва тарғиб қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки қонун меъёрлари ва уларнинг тарғиботи ушбу яширин жиноий фаолият мунтазам таъқибда эканлигининг ҳужжатли далилидир. Конституция ва амаладаги қонунлар нафақат ҳуқуқ ва тартиб ўрнатувчи восита, балки улар халқ иродаси ҳамдир. Халқ иродаси эса халқ маънавиятининг маҳсули ҳисобланади.




Коррупцияга қарши фақат қонун ва ҳуқуқ тарғиботи воситасида курашиш камлик қилади. Жамиятда коррупция ҳолатининг кучайишига инсон маънавий таназзули ҳам сабаб бўлади. Қонунларга беписандлик, пора олиш ва бериш, хизмат ва туҳфалар эвазига кимгадир раҳнамолик қилиш, хизмат лавозимларига ошна-оғайнигарчилик воситасида эришиш, истеъдод, ишга лаёқат, ишчанлик ва малака факторларидан кўз юмиш — инсон маънавияти ва тарбиясида адолат, ҳақиқат, ҳалол, ҳаром, гуноҳ, увол ҳислари ва тушунчалари хиралашиб бораётганлигидан далолат беради.

Дин — маънавиятнинг ажралмас қисми. Ислом дини асрлар давомида адолат, ҳақиқат, ҳалоллик, савоб, меҳр ва шафқатни тарғиб қилиб келади.

Муқаддас динимизда ҳам порахўрлик, юлғичлик қораланган. Бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш жоизлиги, жиноятга жазо албатта, муқаррарлиги таъкидланган.

Кўриниб турибдики, дини азалдан ришва, яъни коррупцияга қарши курашиб келган. Уни энг катта гуноҳлар сирасига киритган. Тадқиқотлар кўрсатадики, ҳар қандай иллатга барҳам беришда самарали восита — бу иллатнинг ўзи билан эмас, балки сабаби билан курашишдир. Шу сабабли биз порахўрликка қарши курашда жамоат бирлашмалари, диний-маърифий воситалардан ҳам самарали фойдаланмоғимиз лозим. Бизнингча коррупцияга қарши курашда қонуний ва адолатли бўлган ҳар қандай йўл ва усул тўғри. Диний уламолар эзгу мақсадларини тарғиб қилишда ҳамиша таъсирчан маънавий ва маърифий унсурларга таянган, фатволар чиқарган, амримаъруф қилганлар.

Бу усуллар, ҳарқалай ихтиёрсиз қасамдан кўра афзалроқ ва фойдалироқ...

**Алишер ҲАМРОЕВ,**
**ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун

# ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

## фуқароларнинг дарду ташвишини аритиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилмоқда

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



**Дилобар КАТТАБЕКОВА,**
**ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:**

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш устувор вазифа сифатида белгиланган ҳамда депутатлар халқнинг ишончли вакиллари сифатида одамларни қийнаётган муаммолар юзасидан уларнинг мурожаатларига жавоб қайтариши таъкидланган. Жорий йилда ЎзМТДП вилоят ташкилоти томонидан ҳудудимиз бўйлаб мунтазам ташкил қилинган сайёр қабуллар бунга яққол далил бўла олади. Улар доирасида юзлаб фуқаролар мурожаатлари ижобий ҳал этилди. Бундай тадбирларда дастлаб юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қишлоқ ва маҳаллаларда аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, ҳудудлар қиёфасини замонавийлаштириш, жойларда аҳоли учун янги иш ўринларини яратишга қаратилган "Обод қишлоқ" дастури мазмун-моҳиятини тушунтиришга аҳамият қаратилмоқда. Жорий йилда вилоятимиз бўйлаб кўплаб сайёр қабул ўтказилиб, юзга яқин мурожаат ижобий ечим топди.

Куни кеча Янгиер шаҳридаги "Бинокор" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган қабулда 10 га яқин масала ҳал этилди. Жумладан, шу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар Гулнора Жўраева ўғли Суҳроб Тиркашевнинг жарроҳлик амалиёти, Забийда Латипова икки нафар ногирон фарзандининг дори-дармонлари учун, Элсия Тўйчиева оёқ хасталиги боис Тошкент давлат травматология ва ортопедия институтига йўлланма олишда ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. ЎзМТДП фаоллари ва депутатлари ҳамда тегишли мутасаддилар иштирокида бу масалалар тезда ижобий ҳал этилди.

Ҳар бир сайёр қабулда мурожаатлар атрофлича ўрганилиб, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари тарзида юборилаётгани ва улар ўз вақтида ечим топаётгани партиянинг нуфузини оширишга, сайловчилар ва электорат вакилларининг ишончини қозонишга хизмат қилмоқда.



**Сардор ДАМИНОВ,**
**ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши бош мутахассиси:**

— ЎзМТДП Андижон вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига жорий йилнинг 11 ойи давомида жами 500дан зиёд мурожаат келиб тушди. Уларнинг 411 таси ўз вақтида ижобий ҳал этилди. Шундан 56 мурожаат вилоят, 450 таси туман, шаҳар партия ташкилотларига келиб тушган бўлиб, асосан бандликни таъминлаш, коммунал, уй-жой, иш ҳақи, нафақа, пенсия таъминоти масалаларида ёрдам сўралган. Мазкур мурожаатлар асосида партия вилоят кенгаши 14 маротаба сайёр қабул ташкил этиб, уларнинг аксариятини ижобий ҳал этишга эришди.

Мисол учун, Пахтаобод туманида маҳаллий ҳокимият бошқарув идоралари ҳамда бир қанча мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда фуқаролардан келиб тушган 150 мурожаатдан 85 таси жойида ечим топди, 56 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 9 таси тегишли ташкилотларга юборилиб, ҳал этилиши вилоят кенгаши томонидан назоратга олинди. Ҳудудларда ташкил этилаётган сайёр қабулларда мурожаатларнинг мазмуни билан бирга сонини ҳам эътибордан четда қолдирмаяпмиз. Чунки бу ўша ҳудуддаги ижтимоий вазият, одамларнинг турмуш тарзи ва фаоллигини ҳам аниқлашда кўмак беряпти. Жорий йилда, айниқса, Жалақудуқ, Улуғнор, Избоскан, Андижон туман ва шаҳридан кўп мурожаат тушди.

Хулоса шуки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду-ташвишларини ўрганиш, инсон манфаатларини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган юзма-юз учрашувлар фуқароларнинг дарду ташвишини аритиш билан бирга, давлат ва жамият ўртасида мустаҳкам алоқанинг йўлга қўйилишига, одамларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилмоқда.



**Ҳулкар СУЛТОНОВА,**
**ЎзМТДП Чилонзор туман кенгаши етакчи мутахассиси:**

— Жорий йилда ЎзМТДП туман кенгаши ўнга яқин сайёр қабул ўтказиб, уларда келиб тушган 31 мурожаатдан 23 таси ижобий ҳал қилинди. Баъзи мурожаатлар бюджет масаласи билан боғлиқ бўлгани учун 2019 йилда бажарилиши мўлжалланмоқда. Афсуски, учрашувларда кўтарилаётган айрим масалаларни ҳал этишда қийинчиликларга ҳам дуч келяпмиз. Бироқ мамлакатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан кейин бу борадаги муаммолар ечимига ҳам имкон яратилаётганидан мамнун бўлдик. Президентимиз ўз нутқида "аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг бир қисмини давлат томонидан компенсация қилиш чораларини кўришимиз лозим" дея таъкидлади. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган сайёр қабулларнинг аксариятида эса айни шу масалалар кўтарилаётганини эътиборга олсак, давлатимиз томонидан қаратилаётган бундай эътибор кўплаб фуқароларнинг дарду ташвишига малҳам бўлади, уларни ўйлантираётган муаммолар ечим топишига кўмаклашади.

Шунингдек, фуқаролар банкдан имтиёзли кредит олиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам кўп мурожаат қилишаётир. Уларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, фуқароларни иш билан таъминлаш истагини билдираётгани қувонарли. Жумладан, яқинда халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати Улуғбек Зиёдуллаев ташаббуси билан ҳудуддаги "Ботирма", "Фидокор", "Зарқўрғон" маҳаллаларида сайёр қабул доирасида "Фуқаролар мурожаатини тинглаш ва амалий ечим топиш" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди. Унда ҳудудда истиқомат қилувчи Ольга Масленникова, Нозима Файзуллаева, Муҳаббат Қосимова каби фуқароларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

ЎзМТДП туман кенгаши партиямиздан сайланган депутатлар иштирокида бу каби сайёр қабул ва учрашувларни туманимизнинг ҳар бир маҳалласида ўтказишни режалаштирган.



**Мирзааҳмед ТОЖИМУРАТОВ,**
**ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши етакчи мутахассиси:**

— Сайёр қабулларнинг афзаллик жиҳатларидан бири уларда фуқаролар билан юзма-юз бўлиш, уларни ўйлантираётган масалаларни эшитиш имкониятини яратади. Қолаверса, бу жараёнда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлар моҳияти, барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Бунда фуқаролар депутатлардан ҳуқуқий кўникмалар олиш имкониятига ҳам эга бўлади.

2018 йил давомида ташкил этилган сайёр қабуллар қизғин ва самимий руҳда кечгани билан ажралиб турди. Бу эса фуқароларимизнинг сиёсий онги, фуқаролик позицияси тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Очиқ мулоқотларда қатнашчилардан келиб тушган мурожаатлар турли мазмунда бўлса-да, аммо барчаси ҳудуд аҳолисини анчадан бери ташвишлантираётган муаммолардир. Масалан, сайёр қабулларда жами 57 мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг аксарияти соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий масалаларга тўғри келгани ҳудудда ушбу соҳадаги мавжуд аҳволни реал кўриш ва баҳолаш имконини беради. Ҳар бир мурожаат қилувчининг муаммосига вақтида ва оқилона ечим топишга ҳаракат қилиниб, 19 мурожаат жойида ижобий ҳал этилди, 24 масала бўйича тушунтириш ва тавсиялар берилди, 14 таси юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилингани ҳудудларда мазкур соҳани янада яхшилаш имконини беради. Жумладан, жамоат соғлиғини сақлаш, касалликларни профилактика қилиш ва олдини олиш, патронаж хизмати ва фуқароларни уйма-уй юриб кўриб чиқиш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, ҳаёт сифати ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида янги тизим яратилади. Бу борада ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳам партиянинг жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш каби дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, мазкур соҳадаги амалий, ҳаётий лойиҳаларни самарали ташкил этишга интилади.

Хулоса ўрнида айтганда, халқ билан мулоқотнинг таъсирчан ва самарали усули — сайёр қабуллар одамларни қийнаётган муаммоларга жойида ечим топиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, энг асосийси, халқнинг ичига кириб боришда муҳим омил бўлмоқда.

**Умида УЗОҚОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ташаббус — натижа берди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ёшларимиз орасида китобни севиб, уни меҳр билан қўлга олиб ўқийдиганлари билан бирга, аксинча китобга беписандларча муносабатда бўладиганлари ҳам афсуски, йўқ эмас. Бундай лоқайдликка барҳам бериш, уларнинг китобга бўлган қизиқишини, китобсеварликни, мутолаа маданиятини янада ошириш учун, аввало, соҳадаги ишларни тўғри йўлга қўйиш ва ташкил этиш зарур. Аммо бу борада ҳамма ҳудудда ҳам ишлар тўғри йўлга қўйилганми? Мутасаддилар ушбу йўналишдаги вазифаларига қай даражада масъулият билан ёндашмоқда? Ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳи аъзолари туманда бу борада олиб борилаётган ишларни ўргандилар. Ҳудуддаги ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар фаолияти танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан

# БЎСТОНЛИҚ. КУТУБХОНА МУЗДАЙ...

## УНДА ҚАНДАЙ МУТОЛАА ЗАВҚИ БЎЛИШИ МУМКИН ?

кўздан кечирилди. Ўрганишлар натижаси халқ депутатлари туман Кенгашига ташаббус-масала сифатида киритилди.

Сессияда партия гуруҳи раҳбари Фатҳулла Аҳмедовнинг ахбороти тингланди.

— Партия гуруҳимиз аъзолари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ёш авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш каби вазифалардан келиб чиқиб, туманда китобхонлик маданиятини ошириш борасидаги ишларни чуқур ўрганди, — деди Фатҳулла Аҳмедов. — Ўрганишлар давомида бир қанча муаммо ва камчилик борлиги аниқланди. Жумладан, ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ва кутубхоналар Интернет тизимига тўлиқ уланмаган. Айниқса, таълим муассасаларида жойлашган АРМлар замонавий компьютер жамланмалари билан жиҳозланмаган. Бундан ташқари, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг янги китоблар билан таъминланиши ўта паст даражада. Бу, энг аввало, молиялаштиришда аниқ манбанинг йўқлиги билан боғлиқ. Зиё масканларининг иситиш тизимлари ҳам таъмирталаб аҳволда. Айниқса, қиш мавсумида бу кутубхоналарга кириб китоб ўқишни тасаввур қилиш амримаҳол.

Сессияда қайд этилганидек, маҳаллий аҳолининг кутубхоналардан эркин фойдаланишида яна бир муаммо мавжуд. Яъни, АРМ ва кутубхоналарнинг аксарияти таълим муассасаларида жойлашган. Маҳалла аҳолиси таълим муассасасида жойлашган бу марказлардан ўзлари ҳам фойдалана олиши мумкинлигидан хабардор эмас. Билганлар ҳам таълим муассасасига бемалол кириб-чиқиш, ўзларига қулай вақтда кутубхоналардан фойдаланиш имконига эга бўла олмайдилар.

Ғазалкент шаҳри Лутфий кўчаси 2-уйда жойлашган ахборот-ресурс маркази туман халқ таълими бўлимига қарашли. Бу масканда олиб борилган ўрганишлар натижасида, лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги бадиий адабиётлар жуда камлиги маълум бўлди. Шунингдек, 2018 йилнинг май ойида кутубхона фондидан жами 22 минг 600га яқин китоб утилизация қилинган, аммо ундан тушган маблағ қаерга ёхуд нимага сарфлангани номаълум. Агар ушбу маблағлардан самарали фойдаланилганда эди, марказ фондини лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги бадиий адабиётлар билан бойитиш имкони пайдо бўларди. Афсуски, бор имкониятдан ҳам унумли фойдаланилмагани ачинарли.

Бўстонлиқ кўпмиллатли аҳоли истиқомат қиладиган туманлардан саналади. Бу ерда туб аҳолидан ташқари қозоқ, тожик миллатига мансуб фуқаролар ҳам анчагинани ташкил этади. Аммо улар учун ўз она тилларида китоблар мавжуд эмас. Демак, бу борада ҳам талай ишларни амалга ошириш зарурияти мавжуд.

Сессия иштирокчилари кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Шу асосида сессиянинг тегишли қарори қабул қилинди. Унга кўра, бир қатор мутасаддилар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди. Жумладан, халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси, туман халқ таълими бўлими ва касб-ҳунар коллежлари координаторига китобхонликни тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш, ҳудуддаги барча ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналарнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва янги адабиётлар билан таъминлаш вазифаси топширилди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ва молия бўлими раҳбарияти зиммасига аҳолига хизмат кўрсатаётган ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг китоб фондини янги адабиётлар билан тизимли тўлдириб боришнинг молиявий манбаларини аниқ белгилаш, моддий-техник базасини яхшилаш учун етарли маблағлар ажратиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан туманда соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар аниқланди, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди. Бу борада сессия қарор қабул қилди. Галдаги энг муҳим вазифа — унинг амалдаги ижросини самарали таъминлашдан иборат. Партия гуруҳи аъзолари мазкур қарор ижросини доимий назоратга олиши, Бўстонлиқда китобхонлик маданиятини янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишлари лозим бўлади.

**Клара САЙДУЛЛАЕВА,**
**ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши етакчи мутахассиси,**
**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

MILLIY TIKLANISH
50 (534) 2018 йил 19 декабрь, чоршанба

Муносабат

# БИЛИМ БИЛАН САОДАТ ЙЎЛИ ОЧИЛАДИ

## Президентимизнинг Конституция кунидаги маърузасини тинглаб...

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ҳаракатлар стратегиясининг туб моҳиятига сингдирилган адолатпарварлик, инсонпарварлик, юртсеварлик, халқчиллик тимсолидаги улуғвор ғоялар жамиятимизда инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасида амалга оширилаётган шиддатли ҳамда қамровдор ислоҳотлар учун мустаҳкам ҳуқуқий таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Авваламбор, ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари негизида миллий қонунчилик тизими барпо этилди.

Кейинги икки йилда фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, турмуш шароитларини яхшилаш, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга қаратилган 90 та қонун ҳамда 2 мингдан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу, шубҳасиз, айни соҳада янги, янада юксак босқичга ўтилганидан далолат беради.

Конституциямизда "Инсон ва унинг қадр-қиммати" деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилган. Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида: ***"Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар",*** деб қайд этилган бўлса, 7-моддасида: ***"Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир",*** дея мустаҳкамлаб қўйилган.

Президентимиз бу конституциявий нормаларни тарихий Оқсарой пештоқидаги битикларда ҳозирги кунгача сақланиб келаётган Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг машҳур ибораси билан шундай ифодалади: ***"Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир"***. Чунончи, "Темур тузуклари"дан токи Ўзбекистон Конституцияси ва Ҳаракатлар стратегиясигача бўлган давлатчилигимизнинг муҳим дастурий ҳужжатларида халқимиз учун адолатни таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилган.

Кейинги икки йилда мамлакатимизда ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш устувор вазифалардан бирига айланди. Конституциямизнинг бир қатор моддаларида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланган.

Маълумки, давлат раҳбари 2017 йил 13 июнда мамлакатимиз судьялари билан учрашувда уларнинг олдига ***"Судларни адолат қўрғонига айлантирайлик",*** деган талабни қўйди. Куни кеча эса бундан 570 йил илгари буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳазратлари ***"Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адл қасри, яъни адолат қўрғони бунёд эт"***, деб йўл-йўриқ кўрсатиб кетганига яна бир бор сизу бизнинг эътиборимиз қаратилди. Аслида ҳам Навоий бобомиз ўша даврдаёқ шундай деб шеър битган:

*Зинҳорки, зулм риштасини уз,*
*Инсоф ила адл қасрини туз.*

Эътибор беринг: бу мисралар Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган: ***"Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак",*** деган ғоя билан қанчалик уйғун ва ҳамоҳанг.

Шу ўринда узоқ йиллар давомида фақат жазолаш руҳида қарорлар чиқариб келган суд идоралари фаолиятида жиддий ўзгаришлар бошланганини қайд этиш зарур. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Шунингдек, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, 2 минг 449 нафар шахс эса суд залидан озод қилинди.

Судларда ишларни йиллар давомида қайта-қайта кўриш амалиётига чек қўйилди. Инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт, яъни жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ёшлар ва аёлларни Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталарининг кафиллиги билан жазодан озод қилиш тажрибаси изчил қўлланилмоқда. Бу борада яна бир янги сиёсий-ҳуқуқий институт – афв этиш актининг жорий қилингани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда Конституциямизнинг 26 йиллик тантаналари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирларга туташиб кетди. Ушбу Декларациянинг барча асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган бўлиб, мамлакатимизда, бу тамойилларга амал қилган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни жамият ҳаётига, фуқаролар ва давлат хизматчилари онгу шуурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 5 майдаги Фармони билан тасдиқланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури" доирасида йил давомида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми шулар жумласидандир.

Осиё форумида БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар вакиллари, хорижий давлатлардан кўплаб таниқли сиёсатшунос ва ҳуқуқшунослар, кўзга кўринган экспертлар иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистонда Конституция ва миллий қонунчилик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ислоҳотларга юқори баҳо берилди.

Ҳаракатлар стратегияси ва "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури"да Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ҳуқуқий мақомини тубдан кучайтириш ҳам белгиланган. Шу маънода, Президентимизнинг 2018 йил 10 декабрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

Президентимиз қароридан кўзланган асосий мақсад Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти самарадорлигини ошириш, мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришнинг таъсирчан тизимини яратишдир. Қарорда таъкидланганидек, Миллий марказ Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро алоқаларини, миллий маърузалар тайёрлашни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади.

Марказ ўзининг ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади. Қарорда кўзда тутилган бир қатор имконият ва имтиёзлар, албатта, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини янги давр талаблари даражасида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, одамларимиз амалга оширилаётган шиддатли янгиланишларнинг амалий натижаларини бугун ўз кундалик ҳаётида яққол ҳис этмоқда. Ислоҳотлар самаралари аҳолининг турмуш даражаси ва реал даромадлари ошишида намоён бўлмоқда.

Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш – Конституциямизнинг бош мақсадидир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ***"Конституциямизда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва давлат томонидан бирдек муҳофаза этилиши кафолатланган".***

Лекин, иқтисодиётда давлат аралашувининг юқорилиги ва бюрократия, солиқ, божхона ҳамда банк тизимидаги мавжуд муаммолар ички инвестицияларни кўпайтиришга ва хорижий сармоядорларни янада кенгроқ жалб этишга ҳали ҳам тўсиқ бўлиб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Президентимиз бу борада ҳукумат, марказий иқтисодий идоралар ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимиз раҳбари фуқароларимизнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, жумладан, улар учун муносиб шароит яратиш, ёшларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш, иш ва уй-жойлар билан таъминлаш каби ҳаётий масалаларни ҳал этишнинг истиқболларига атрофлича тўхталди. Зеро, ***"Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя моделини реал талаблар асосида умумэътироф этилган халқаро стандартлар даражасига кўтариш зарур".***

Ижтимоий соҳанинг биргина тармоғи – соғлиқни сақлаш соҳасини олиб кўрайлик. Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Бу муҳим ҳаётий қоиданинг ижросини таъминлаш – халқимиз генофондини асраш йўлида кейинги икки йилда ниҳоятда улкан ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳали ўз ечимини кутиб турган кўплаб муаммолар бор. Қолаверса, соғлиқни сақлаш масалалари фақатгина тиббиёт билан боғлиқ эмаслигини ҳам эътиборда тутиш даркор. Хусусан, миллат саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия, оммавий спорт муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумотларга қараганда, АҚШда аҳолининг 72 фоизи, Буюк Британияда 61, Францияда 44, Россияда 36 фоизи мунтазам спорт билан шуғулланади. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич атиги 10,7 фоизни ташкил этмоқда. Яъни 3,5 миллион нафар ўзбекистонлик, бошқача айтганда, ҳар тўққизтадан биттамиз мунтазам спорт билан машғул эканмиз, холос.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилгани бежиз эмас. Чунки, таниқли француз адиби ва файласуфи Жан Жак Руссо айтганидек, ***"қонунчилик ҳокимияти – давлатнинг юраги бўлса, ижроия ҳокимияти – унинг мияси".***

Ўзбекистон Президенти Вазирлар Маҳкамаси, қатор давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари раҳбарлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ишга масъулиятсиз ёндашаётгани туфайли кейинги икки йил ичида қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган 13 мингдан ортиқ топшириқларнинг 20 фоизи муддатида ижро этилмаганини танқид қилди. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уни чинакам ижро ҳокимиятининг олий органига айлантириш вақти келгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари парламент фаолиятидаги камчиликлар хусусида тўхталар экан, жумладан, ***"Олий Мажлис ҳали-ҳануз ҳақиқий баҳс-мунозаралар майдонига айлангани йўқ",*** дея таъкидлади. Шу муносабат билан Олий Мажлис палаталарида қонунлар ижросини кўриб чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланмасдан, бевосита жойлардаги аҳволни тизимли равишда ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Депутатлар эса қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда шунчаки кузатувчи ёки эксперт эмас, балки ташаббусни ўз қўлларига олиб, бевосита лойиҳа ташаббускори ва ижодкори бўлишлари даркор.

Айни чоғда, фуқароларда ҳам ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз, деди Президентимиз. Бу жараёнда кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг ўрни беқиёсдир.

Шу мақсадда келгуси йилдан бошлаб "Жамоат фикри" портали ишга туширилади. Бунда демократиянинг илғор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ қилиш ҳақида сўз бормоқда. Бу борадаги дастлабки амалиёт, яъни "Менинг фикрим" порталига асос солингани аллақачон ўзини оқламоқда.

Ҳаётий бир мисол: "Менинг фикрим" порталига шу йил баҳорда жойлаштирилган транспорт воситалари ойналарини қорайтиришга рухсат берилиши таклиф этилган жамоавий мурожаат 8 кун ичида 10 мингдан ортиқ овоз тўплаган. Шу тариқа 2018 йил 18 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бу билан қанчадан-қанча фуқароларни қийнаб келаётган муаммога ҳуқуқий ечим топилди. Транспорт воситалари ҳайдовчилари, ота-онаси билан бирга боғча-мактабларга қатнайдиган жажжи болалар, шунингдек, жазирама офтобимизга кўникиб улгурмаган хорижий сайёҳлар учун қулай шароит яратиш йўлида муҳим қадам қўйилди.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда, умуман, Конституциямиз ва қонунларимиз талабларини тўлиқ рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Шундай экан, Президентимиз қайд этганидек, ***"ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари халқ манфаатларининг чинакам ҳимоячисига айланиши лозим. Бунинг учун улардан шижоат, профессионал маҳорат, холислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади".***

Бундан ташқари Ўзбекистон Президентининг маърузасида давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш борасида кўрилган аниқ чоралар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, ўтган қисқа даврда коррупцияга йўл қўйган 1 минг 177 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга murosasiz бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз, деди давлатимиз раҳбари. Зотан, Асосий қонунимиз билан барча фуқаролар зиммасига Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти юклатилган.

Шу нуқтаи назардан, Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт. Конституцияга ҳурмат, конституциявий ватанпарварлик ҳар бир фуқаронинг шахсий эътиқодига айланишига эришишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Конституцияни фақат Асосий қонунимиз қабул қилинган кун тантаналари арафасида ва байрамдагина эсга олиш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Аксинча, Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси биз учун ҳар куни ва ҳар соатда дастуриламалга, ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур.

Президентимиз уқтирганидек, ***"Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт".***



**Акмал САИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Қўмита йиғилиши

*Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, аҳолига сифатли ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз соҳага доир яна икки муҳим ҳужжат — 2018 йил 7 декабрда "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" фармон, "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Фармон асосида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Бу дастуриламал ҳужжатлар соғлиқни сақлаш соҳасини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.*

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

## соҳа ривожига хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси ташкил этган "Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда муҳим қадам" мавзусидаги давра суҳбати ҳам мазкур ҳужжатлар доирасида амалга ошириладиган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

— Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини тубдан ошириш, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Иноят Ҳожиев. — Мазкур ҳужжатларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари, яъни соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш, жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этиш, тиббиётни молиялаштириш тизимини "ҳар бир даволанган ҳолат" — беморлар сонига қараб молиялаштириш, давлат хусусий шериклиги ва тиббий туризмни ривожлантириш каби масалалар ва уларнинг ечими белгилаб берилди. Президент фармони билан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш учун 58 банддан иборат чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, 2019 йил 1 апрелдан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятнинг биттадан тумани ҳамда Фарғона вилоятининг учта туманида эксперимент тариқасида тиббиёт муассасаларини "ҳар бир даволанган ҳолат" учун клиник харажат гуруҳлари бўйича киши бошига молиялаштириш тизими жорий этилади. 1 июлдан айрим даволаш-профилактика муассасаларини ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари асосида белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга бериш, 2021 йил 1 январдан юртимизда мажбурий тиббий суғурталашни босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган долзарб вазифаларнинг аҳамияти, уларнинг ижросини таъминлашда парламент ва депутатлик назорати институтидан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Шунингдек, давра суҳбатида "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилининг ахбороти тингланди. Унда қайд этилишича, мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги 216 та давлат санитария-эпидемология назорати марказлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Қўшни давлатларда безгак, ич терлама, куйдирги каби касалликлар бўйича нохуш эпидемик вазият юзага келган бўлса-да, Ўзбекистон ҳудудига ушбу юқумли хасталиклар, шунингдек, бошқа ўлкаларда рўйхатга олинаётган парранда грипп, янги грипп ва эбола иситмаси каби ўта хавфли касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўйилмади.

Тадбирда депутатлар аҳоли саломатлигини сақлаш, санитария-эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, Республикамизда ичимлик суви билан таъминлайдиган 253 коммунал, 4 минг 289 идоравий (қишлоқ) сув қувурлари давлат санитария-эпидемиологик хизмати томонидан назоратга олинган. Бироқ, айни пайтда 43 (17 фоиз) коммунал, 709 (16,5 фоиз) идоравий (қишлоқ) сув қувурлари санитария меъёрлари талабларига жавоб бермайди.

Давра суҳбати якунида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчиллигини таъминлаш, халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш юзасидан қўшма қарор қабул қилинди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Профилактика тадбирлари

# ТЎҒРИ ЙЎЛ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

*Бугун Интернетнинг фойдали жиҳатлари ҳақида гапириш ортиқча. У орқали юртимиз ва дунёда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар ҳақида тезкор маълумотга эга бўлиш, самолётга чипта, ўзга шаҳардаги меҳмонхонадан жой буюртириш, хориждаги корхонадан маҳсулот сотиб олиш мумкин ва ҳоказо.*

Қашқадарё вилоятида ҳам компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Кўплаб Интернет-клуб ва кафелар ишлаб турибди. Шундай масканларнинг ўндан зиёди Қарши шаҳрида фаолият юритмоқда.

... Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи Тиловберди Холмирзаев (исм-фамилияси ўзгартирилган) 7-синфда ўқийди. Дастлаб бир-икки дарс қолдирганига на оиласидагилар ва на мактабдагилар эътибор беришмагач, аста-секин ўқишга умуман бормай, компьютер ўйинларидан бош кўтармайдиган бўлиб қолди. Ота-онасини алдаб, турли баҳона билан улардан пул оладиган ва беҳудага кўчага чиқиб кетадиган одат чиқарди. "Саёқ юрсанг, таёқ ейсан" деганларидек, тунги изғишларнинг бирида безорилик билан "қўлга тушди". Шаҳар ички ишлар бўлими уни профилактика рўйхатига олди...

Шаҳарда ҳуқуқбузарлик ва жиноят кўчасига энди кириб келаётган ёшлар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилгани боис Тиловбердининг профилактик ҳисобга олингани ҳам мактаб маъмурияти, маҳалла фуқаролар йиғини ва бошқа ташкилотларни беэътибор қолдирмади. Жумладан, Қарши шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида Тиловберди ҳам ўз ҳаракатларининг оқибати ҳақида тўғри хулоса чиқарди.

— Айни пайтда вилоят "Ёшлар маркази" қошида ташкил этилган тўгаракларга қатнаб, хорижий тилларни ўрганяпман, — дейди Тиловберди. — Бу ерга келгач, тенгдошларимнинг билимга бўлган интилиши, келажак режаларини эшитиб, безорилик кўчасига кириб хато қилганимни тушуниб етдим. Менда масъулият ҳисси ортди, ота-онам, маҳалламнинг ишончини оқлаш истаги пайдо бўлди. Ҳозирда мактабда бирор соат ҳам дарс қолдирмаяпман. Устозларим ва ота-онамнинг ҳар бир сўзи мен учун қонун-қоидага айланди.

Ёшлар — эртамиз, умидимиз. Уларни тўғри тарбиялаш, таълим ва тарбияни ўз вақтида бериб бориш кутилган натижаларга эришишда замин ҳозирлайди. Бироқ ёш авлод вакилларига эътиборсизлик ва назоратсизлик уларнинг эртаси, келажаги учун турли салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш борасида олиб борилаётган рейд тадбирлари натижасида бир неча ўқувчи-ёшнинг дарсларга қатнашмаётгани, баъзиларининг эса дарс ва ундан кейинги вақтларда, тунги соат 22:00 дан кейин ҳам турли кўнгилочар жой, компьютер хонаси, тунги клубларда бўлишлари аниқланмоқда.

— Қарши шаҳрида жорий ўқув йили бошидан ҳозирга қадар ўтказилган рейд тадбирлари натижасида вояга етмаган 23 нафар мактаб-коллеж ўқувчиларининг дарсларга узоқ муддат қатнашмай келаётгани ва уларнинг 4 нафари турли кўнгилочар манзилларда бўлиши аниқланган, — дейди шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси катта инспектори, капитан Дилафрўз Мирзаева. — Улар профилактик ҳисобга олинди ва ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, кўнгилочар жойларнинг эгаларига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаригача миқдорида жарима қўлланилди. Йилнинг шу даврига қадар мингдан зиёд тарғибот-ташвиқот тадбирини ўтказдик. "Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш", "Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш", "Вояга етмаганларнинг узоқ муддат олис жойларга кетишларига йўл қўймаслик ва уларни мажбурий таълимга жалб этиш", "Ота-она назоратисиз ҳамда қаровсиз қолган вояга етмаганларнинг жиноят қурбони бўлиб қолишларидан ҳимоялаш" мавзуидаги ҳамда "Давомат" тадбирлари ёшларни турли ёт таъсирлардан асраш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кўмак бермоқда.

Мамлакатимизда уюшмаган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли фан ва спорт тўгаракларига қатнашиши, бандлиги ҳамда касб-ҳунар ўрганишини таъминлаш, зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда Қарши шаҳри ҳудудидаги 38 нафар профилактика ҳисобида турган вояга етмаган ўсмирларни тўғри йўлга қайтариш учун имкониятлар кўламини кенгайтириш борасида ҳам муҳим ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Барчаси ўз қўлингда!" шиори остидаги тарғибот ўн кунлигида профилактик ҳисобдаги ёшлар турли фан тўгаракларига қамраб олинди. Вилоят "Ёшлар маркази" қошида ташкил этилган ушбу тўгаракларда профилактик ҳисобдаги ёшлар тажрибали ва маҳоратли устозлар қўлида сабоқ олмоқда. Шунингдек, партия фаоллари профилактик ҳисобдаги вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар, турли мулоқотлар ўтказиб, тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, ҳududдаги таълим муассасалари билан ҳам муҳим ва амалий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, "Оммавий маданият" — ёшлар маънавиятига таъсир кўрсатувчи энг салбий иллат", "Ёшлар — диний экстремизм ва терроризмга қарши" ҳамда "Алпомиш авлодлари" шиори остида ўтказилаётган спорт мусобақалари ёшлар тарбиясига хизмат қилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтаётир, билим олишга иштиёқи ортмоқда.

— Назоратсиз қолган бола ҳар хил ишга қўл уриши мумкин, — дейди Қарши шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ўктам Шодмонов. — Шу боис мактабимизда хулқи яхши бўлмаган ўқувчиларни турли фан ва спорт тўгаракларига доимий жалб этишга алоҳида аҳамият қаратганмиз. Футбол, шахмат-шашка, енгил атлетика ва баскетбол сингари спорт, она тили ва адабиёт, физика, математика, кимё каби фан тўгараклари ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмак бўлмоқда. Қолаверса, айнан ана шундай ўқувчилар учун уйга вазифаларни кўпроқ беришни лозим топганмиз. Бунинг натижасида уларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланишга эришилади.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимизда вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Партия ҳамда масъул ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган саъй-ҳаракатларидан кўзланган мақсад ҳам ёшларнинг жиноят кўчасига кириб кетишининг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймасликдир.

**Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Миллий ғурур

*...Қашқадарё деганда кўз олдимизга дарров бепоён далалар узра ястаниб ётган кенгликлар намоён бўлади. Тупроғида унган ҳар бир гиёҳ, офтоб тафти, одамлар юз-кўзидаги илиқлик шоир қўлига қалам, рассом қўлига мўйқалам тутказиши табиий.*

# ХОРАЗМИЙГА МУНОСИБ ИЗДОШ

## ёш олим Элёржон Жумаев халқаро NASA ташкилоти олимлари билан ҳамкорликда илмий иш олиб бормоқда



Элёржон ҳам дастлаб ана шу олам чизгиларига маҳлиё бўлиб қўлига мўйқалам олгани, машҳур рассом бўлишни орзу қилгани рост. Онаси Мағфиратхон опа ҳам унинг рангтасвир асарлари кун келиб машҳур санъат галереяларидан ўрин олишини ният қиларди. Аммо жажжи мусаввир улғайгач, орзулар кемасини аниқ рақамларга йўналтирди. Математика — унинг ҳаёт мазмунига айланди...

Қашқадарёлик Эркин ва Мағфиратхон Жумаевлар 1993 йили ўғил фарзанд кўраркан, эл-юртимиз, оиламиз фахри-ғурури бўлсин, эзгу амалларида ҳамиша яхшиликлар ёр бўлсин дея чақалоққа Элёржон, деб исм қўйишди. Таъкидлаганимиздек, болакай дастлаб расм чизишга меҳр қўйди. Сўнг қон тортди, чоғи, муҳандис отаси-ю математика фани ўқитувчиси бўлган онасини бирлаштирган йўлни танлади.

Ота-онанинг қўллаб-қувватлаши, устозлар таълим-тарбияси, тинимсиз меҳнат ўз мевасини бера бошлади: ютуқлар ютуқларга уланди. Математика, физика фанларидан ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасидаги билимлар беллашувининг туман босқичида бир неча бор ғолиб бўлган Элёржон 2007 йили Тошкент давлат техника университети қошидаги 5-сонли академик лицейга ўқишга кирди. Бу ердаги ўқиши давомида аниқ фанлар билан бир қаторда инглиз тилини ҳам пухта ўрганди. 2010 йилда лицейни тамомлагач, Тошкент давлат техника университети талабасига айланди.

— Талабалик даврида турли илмий конференция, танловларда қатнашдим. Жумладан, "Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни" илмий-амалий конференциясидаги иштироким келгуси режаларимни аниқлаб берди, — дейди Элёржон. — Тўртинчи курсда ўқиётганимда Жанубий Кореянинг Sejong Universityда магистратурада ўқиш учун грант эълон қилинди. Грант икки киши учун мўлжалланган бўлиб, имтиҳонлар икки босқичда ўтди. 200дан ортиқ талабалар орасида омадим келиб имтиҳонларни муваффақиятли топширдим. Марказий Осиёдан фақат мен талабалар сафига қабул қилинганим, албатта, қувонарли бўлди. Бугунги кунда илмий мақолаларим Америка ва Европа давлатларидаги қатор халқаро журналларда чоп қилиняпти.

Элёржон Жумаев 2016 йили Хитойда бўлиб ўтган "International High-Entropy Materials", "UIMRS-ICA-2017" конференцияларида, 2017 йилда АҚШнинг Пенсилвания штати Питтсбург шаҳрида бўлиб ўтган "Material Science and Technology 2017" ва бошқа халқаро конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этди.

Шу билан бирга Америка Қўшма Штатларининг "University of Pittsburgh" ва "Southern California University" каби таълим даргоҳларида малака ошириб, бугунги кунда NASA (The National Aeronautics and Space Administration) олимлари билан ҳамкорликда илмий иш олиб боряпти.

Айни пайтда Жанубий Кореянинг Sejong Universityнинг докторантурасида таҳсил олаётган Элёржон Жумаев юқори ҳарорат ва юкламаларда ишлатиладиган металл қотишмаларни яратиш хусусиятларини ошириш ва микроструктуравий ўзгаришни ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бораётир.

— Президентимизнинг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Элёржон Жумаев университетимизга келиб, ўз маърузаси билан иштирок этди, — дейди Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети катта ўқитувчиси Саидумар Маҳамадхўжаев. — Айнан бизнинг шогирдимиз бугун дунёнинг нуфузли олий ўқув юртида таҳсил олаётгани, дунё миқёсида эътироф этилиб, ўзбек ўғлони салоҳиятини намойиш қилаётганидан, албатта, фахрланамиз.

Элёржон Жумаев шу йилнинг 24-26 апрель кунлари "The Korean Institute of Metals and Materials" таълим муассасасининг ёш олимлар ўртасида ташкил этган конференциясида ўз кашфиёти билан ғолиб деб топилди.

Кашфиётнинг моҳияти шундаки, у юқори легирланган янги металл қотишмани кашф этган. Юқори легирланган қотишмалар эса асосан, баланд ҳароратда ишлайдиган, коррозиябардош ва механик характерини йўқотмайдиган қотишмалар бўлиб, ушбу металл қотишма ички ёнув двигателлари ва юқори юкламаларда ишлайдиган соҳаларда қўлланилади.

Ёш олим 2016 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда, шу билан бирга, наноструктурали металл материаллар лабораториясида илмий изланувчи докторант сифатида фаолият юритаётир. Ҳозирги кунгача 10 дан ортиқ давлатда ўтказилган илмий конференцияларда муваффақиятли қатнашиб, кўплаб профессорлар назарига тушган ёш олимнинг 2 та илмий патенти мавжуд.

— Мазкур қотишма икки фазали микроструктурага эга бўлиб, юқори механик характеристикага эга ва баланд ҳароратда ўз ҳолатини йўқотмайди, — дейди ёш олим. — Бошқа легирланган қотишмаларга нисбатан зичлиги паст ва енгилроқ. 2016 йил ушбу металл қотишмани патентлаштирганмиз ва ҳозирги кунда ички ёнув двигателига қўллаш борасида ишлар кетмоқда.

Элёржон Жумаев эришаётган ютуқлар, бир томондан, умумбашарий цивилизациянинг узвий қисми — аниқ фанлар бешигини тебратган улуғ аллома аждодларимизга хос илм-маърифатга интилишдек эзгу анъаналар бугун муносиб давом эттирилаётганининг, қолаверса, мамлакатимизнинг таълим тизими, илм-фан ва маърифий салоҳиятини янада юксалтириш борасидаги ислоҳотлар ўз мевасини бераётганининг ёрқин исботидир.

**Нигора НИШОНБОЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Жиноят ва жазо

*Халқимиз орзу-ҳавасли. Йиллаб меҳнат қилиб топган даромадига тўй қилади, уй қуради ёки машина олади. Сўнгги йилларда хориж давлатларига чиқиб, ишлаб келиш имконияти анча кенгайгани аҳоли орасида бундан оқилона фойдаланиш иштиёқини янада ошириб бормоқда. Шу йилнинг бошида юртимиздан 12 мамлакатга чиқишда виза тизими соддалаштирилган бўлса, айни кунларда эса бу 51 тага етди. Маълумки, хорижга чиқиш белгиланган тартибда, тегишли қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига айрим мамлакатларга бориши учун чет элга чиқиш рухсат ёзуви ёпиштириладиган стикерни расмийлаштириши талаб этилади. Бироқ мамлакатда фуқаролар учун имконият даражаси тобора кенгайтирилаётган бир пайтда айримларнинг чиқиш учун виза талаб этиладиган давлатларга ноқонуний йўлни танлаб қўшни республикалар орқали кириб бораётганлик ҳолати бот-бот учраб турибди.*

# ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС...

...Эндигина 23 ёшга кирган Жамила Азизова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Самарқанд шаҳрида доимий яшайди. Бироқ у чет элга чиқиш учун ноқонуний йўлни танлади. 2018 йилнинг 23 июль куни Тошкент вилоятида жойлашган "Ғишткўприк" чегара пости орқали Қозоғистон Республикасига бориб у ердан Бирлашган Араб Амирлиги давлатининг Дубай шаҳрига учди.

...Жамила 2016 йилнинг ноябрь ойида Қозоғистон Республикаси фуқароси Нодир Эшбоев билан турмуш қуради. Маълум вақт ўтиб турмуш ўртоғининг ортидан БАА давлатига боришни режалаштиради. Аммо хорижга чиқиш учун ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштиришдаги "оворагарчилик"лар унга малол келиб, қонунга хилоф равишда иш тутди. Яъни, виза расмийлаштирмайди. У маълум муддат Дубай шаҳрида Н.Эшбоев билан ижара уйда бирга яшаб юради. Жамиланинг турмуш ўртоғи БАА давлатининг Дубай шаҳрида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида иш бошқарувчи бўлиб ишлайди ва аёлга моддий томондан ёрдам бериб туради. Лекин БАА давлатида бўлган вақтида ҳомиладор бўлганлигини билиб, Самарқандга қайтишга қарор қилади.

Жорий йил 17 октябрь куни Дубай шаҳридан "Дубай-Тошкент" йўналишдаги рейс билан юртимизга қайтган Ж.Азизова Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида паспорт назоратидан ўтаётган вақтида чегара назорати дивизиони хизмати ходимларининг эътиборини тортади. Яъни унга тегишли фуқаролик паспорти текширилганида БАА давлати иммиграция муҳрлари мавжудлиги, лекин ҳужжатда юртимиз ички ишлар идорасининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан хорижий давлатга чиқмоқчи бўлган фуқароларга бериладиган, дунёнинг барча мамлакатига чиқиш рухсати ёзувини олмай Бирлашган Араб Амирликларига бориб келганлик ҳолати аниқланди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти чегара назорати ходимлари мазкур ҳолат юзасидан Ж.Азизовага нисбатан бирламчи ҳужжатларни расмийлаштириб, тегишли идораларга қонуний чора кўриш мақсадида юборди.

Бундан асосий мақсадимиз — чет элга чиқиш имконияти тобора кенгаяётгани, лекин шунга қарамай, орамизда унга риоя қилмай бориб келишга уринаётганлар борлиги, айниқса, ҳозирги пайтда бу борада ҳеч қандай муаммо йўқлигини яна бир бор эслатишдан иборат. Аксинча қайтиб келаётганда Жамила Азизовга ўхшаб мушкул ҳолатга тушиб қолишингиз мумкин.

Қонун — ҳар биримиз учун сўзсиз устувор. Уни четлаб ўтиш ёки бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шаҳар эса бедарвоза эмас.

**Зафар СУЛТОНОВ,**
**Ислом Каримов номидаги**
**Тошкент халқаро аэропорти**
**жамоат хавфсизлигини**
**таъминлаш бўлими**
**терговчиси**

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига

# ИККИ ЭЛНИНГ СУЮКЛИ ФАРЗАНДИ

***"Дунё бизни, биз дунёни ўзгартирамиз".***

Буюк адиб Чингиз Айтматовнинг бундан қирқ йил аввал айтган бу сўзлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чингиз Айтматов сабоқлари ҳар бир зиёлини, адабиёт аҳлини дунёга холис назар ташлаб, унинг муаммоларига ижодкорона ёндашиб, бақамти ечим топишга ундайди.

Президентимизнинг шу йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори улуғ адибга халқимизнинг яна бир эҳтироми ифодаси бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, ёзувчи ҳақида хотира китоблари, эсдаликлар чоп этилмоқда. Адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида ҳужжатли фильм суратга олинди. Асарлари янгидан саҳналаштирилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг турли ҳудудида илмий конференциялар, шоирлар, ёзувчилар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар уюштирилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилган Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирда депутатлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ҳамда санъат намоёндалари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ва бошқалар буюк маърифатпарвар адиб нафақат қирғиз эли, айни пайтда бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо эканини таъкидлади.

Адибнинг қарийб барча асари ўзбек тилида нашр этилган. Унинг "Жамила", "Сарвқомат дилбарим", "Бўтакўз", "Биринчи муаллим", "Момо ер", "Сомон йўли", "Алвидо Гулсари" каби кўплаб асарлари китобхонларнинг юксак эътирофига сазовор бўлган. Чингиз Айтматов шахси, ҳаёти ва ижоди ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунаси ҳисобланади. Давлат ва жамоат арбоби, Қирғизистон халқ ёзувчиси, Қирғизистон Фанлар академияси академиги унвонлари соҳиби бўлган атоқли адибнинг асарлари таъсирчанлиги, ўзига хослиги, муҳим воқеа-ҳодисалар асосида ёзилганлиги билан ажралиб туради. Айниқса, унинг асарларида ўткир сюжет, кучли ички руҳий зиддиятлар, воқеалар ёритилишида чуқур таҳлил, муҳаббат, эзгулик, гўзаллик намоён бўлади.

— Чингиз Айтматов жаҳон адабиётининг энг ноёб ва ёрқин намоёндаларидан бири, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид. — Унинг асарлари жаҳоннинг 128 давлатида 176 тилда 100 миллион нусхада нашр этилган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ ёзувчи асарларининг китобхон қалбига нақадар яқинлигидан далолат беради. Адиб қисса ва романлари, илмий, маданий-маърифий мақолалари орқали эзгуликни тараннум этган, туркий халқлар маънавий қарашларини, қадриятларини тарғиб қилишга, маданиятини янги, юксак поғонага кўтаришга ҳисса қўшган.

Тадбирда адиб асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этилди.

— Адиб асарлари театр аҳли учун ҳам ниҳоятда қимматлидир, — дейди Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. — Унинг асарлари асосида юртимиз театр саҳналарида ўнлаб спектакллар қўйилган. Турли халқаро танловларда қатнашиб, юқори даражаларда эътироф этилган. Жумладан, Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари саҳналаштирган "Жамила", Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри жамоаси "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар" асари асосида "Лувр ўрдаги" спектакллари кўплаб хориж давлатларида намойиш қилиниб, мухлислар қалбидан жой олган.

Тадбирда "Икки элнинг суюкли фарзанди" номли ҳужжатли фильм намойиш қилинди. Санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

**Н. НИШОНБОЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Халқаро симпозиум

*Мустақиллик йилларида маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси, жаҳон маданияти тарихидаги ўрни тикланди ва темурийлар тарихини чуқур ўрганиш, уни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.*

# ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР

## Шарқ тамаддунида муҳим ўрин тутган



Тарихга назар ташлар эканмиз, Амир Темур ўз авлодларига нафақат катта салтанатни, айни вақтда ибратли анъаналарни ҳам мерос қолдирганига ишонч ҳосил қиламиз. Барча темурийлар Амир Темурнинг ободончилик, мамлакатни адолат билан бошқариш, илм-фан, маданият, санъат соҳаларидаги ишларини давом эттиргани ҳам бунинг исботи. Бу борада нафақат темурий ҳукмдорлар, балки темурий маликалар ҳам истеъдодли сиёсатчи, етук олима ва ҳассос шоира бўлгани тарихдан яхши маълум. Ана шундай маликалардан бири темурийлар даврининг беназир маликаси, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси, Мирзо Улуғбекнинг волидаси Гавҳаршодбегимдир.

Темурийлар тарихи давлат музейида Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди ҳамда "Ўзбекистон — Афғонистон" дўстлик жамияти билан ҳамкорликда ўтказилган "Темурий малика Гавҳаршодбегимнинг ҳаёти ва фаолияти" мавзусида халқаро илмий-амалий симпозиумда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев, Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тарихий адолатни тиклаш, миллий ўзликни англаш, улуғ аждодларимиз меросини теран тадқиқ ва тарғиб этишга кенг йўл очилганини таъкидлади. Мамлакатимиз таълим тизимида, маънавий-маърифий ишларда ёшларга Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўргатиш, навқирон авлодни уларнинг муносиб давомчилари этиб камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Амир Темур ва темурийлар ҳаёти, фаолияти, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни жаҳон олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилмоқда. Бу улуғ аждодларимизнинг ўлмас ғоялари ҳаётбахш экани, миллатимиз тарихига, маънавиятимизга қизиқиш кучайиб бораётганидан далолатдир. Хусусан, Мирзо Улуғбекнинг волидаси Гавҳаршодбегимнинг Ҳирот маликаси, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси сифатида ўзбек ва афғон халқларининг муштарак тарихида тутган ўрни беқиёс.

— Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳаршодбегим мамлакат равнақи йўлида жасорат кўрсатган, — дейди Афғонистон Президенти девонининг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперти Муҳаммад Рафиқ Қодирий. — Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган. Шу боисдан ҳам деярли барча фарзанд ҳамда набиралари илм-фанга хайрихоҳ бўлган, ҳатто ғазаллар ҳам битган.

Шоҳруҳ Мирзо даврида Хуросон сиёсий-ижтимоий ва маданий жиҳатдан анча гуркираб ўсди. Мамлакат пойтахти Ҳирот иқтисодий ва маданий юксалишда Шарқнинг энг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиийки, мамлакатнинг бундай юксалишида малика Гавҳаршодбегимнинг ҳам ҳиссаси беқиёс. Бу даврда нафақат Ҳирот, мамлакатнинг бошқа вилоятларда ҳам қурилиш ишлари авж олган эди. Масжид-мадрасалар, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирхона, шифохона, работ, кўприк ва сардобалар қуриб битказилди. Айни вақтда, хусусий мулкдор, давлатманд кишиларга хайрия тариқасида қурилишлар бунёд этишига ижозат берган ва рағбатлантириб турган.

Симпозиумда таъкидланганидек, Гавҳаршодбегим юксак дид-фаросатли, оқила, тадбиркор, сухандон, бир сўзли — қатъиятли, ҳусн бобида ҳам беназир аёл бўлган. Табиатан диндор Шоҳруҳ Мирзо кўп вақтини тоат-ибодат ва китоб мутолаасига сарфларди. Салтанат, девон ишларини ўктам ва тадбиркор хотини Гавҳаршодбегим бошқарарди. Бу зийрак аёл қайнотаси Амир Темур вафотидан сўнг, салтанат ишларини аста-секин ўз қўлига олди. Зотан, Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи ҳам хотини Гавҳаршодбегимнинг донолигига тан берар, салтанатни бошқаришда оқилона ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезган. Шу боис, салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг эътиборига ҳавола қилинган.

Симпозиумда афғонистонлик олимларнинг Гавҳаршодбегим ҳаёти ва ижодига бағишланган маърузалари тингланди. Айниқса, Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари бўйича махсус вакили идораси масъул ходими Фавзия Орол Ҳабибийнинг "Гавҳаршодбегим Шарқ тамаддуни ва Уйғониш даври маликаси" мавзуидаги маърузаси тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Симпозиум якунида бу каби тадбирлар Ўзбекистон ҳамда Афғонистон давлатлари ўртасидаги илмий, маданий ва маърифий соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

**Нигора НИШОНБОЕВА,**
**"Milliy tiklanish"мухбири**

Семинар-тренинг

# СЎЗ ЭРКИНЛИГИ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ДЕГАНИ ЭМАС...

*Ўткир журналистик материаллар, таҳлилий мақолалар ва кўрсатувлар, тажрибали ва профессионал журналистларнинг Интернет нашрлари орқали чиқишлари жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Айни пайтда матбуотни либераллаштириш орқали демократик жамият қуриш йўлида илғор қадамлар қўйилмоқда. Шу билан бирга, муҳокама қилиниши лозим бўлган қатор масалалар ҳам борки, улар мамлакат ҳаётининг эртанги куни билан чамбарчас боғлиқдир.*

Ўзбекистон Адлия вазирлиги журналистлар учун "Ислоҳотлар даврида оммавий ахборот воситалари: ахборот трансформацияси ва касб этикаси муаммолари" мавзусида ўтказган семинар-тренингда айни шу фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Адлия вазири Русланбек Давлетов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаев, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Собир Шукуров ва бошқаларнинг бу борадаги маърузалари тингланди.

— Ахборот тарқатишда ахборот манбасини чуқур ўрганмай, вақтинча обрў-эътибор қозониш мақсадида саёз ва юзаки материаллар тайёрлаб, оммага тақдим этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда, — деди адлия вазири Русланбек Давлетов. — Жиноятчиликни ёритишда айбсизлик презумпциясига риоя этмаслик, ортиқча тафсилотларга берилиш орқали жиноятчиликни тарғиб қилиб қўйиш, шахсга ўзбошимчалик билан жазо бериш (самосуд) ҳолатларини ёритишда шахснинг обрўси ва қадр-қимматини камситиш, вояга етмаганлар тўғрисидаги ахборотни тарқатишда бола ва инсон ҳуқуқлари принциплари бузилишига йўл қўйилмоқда. Мазкур ҳолатлар келгусида жамиятда кутилмаган нохуш ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши, олиб борилаётган ислоҳотларга нисбатан аҳоли ўртасида ишончсизлик ҳиссини пайдо қилиши, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тадбирда иштирокчиларга махсус қўлланма тарқатилди. Қўлланмада замонавий медиа-майдонда ахборот тарқатишга доир муҳим жиҳатлар, журналистларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, блогерликнинг ҳуқуқий асослари, ахборот ҳаққонийлиги масалалари ёритилган ҳамда соҳага оид қонунчиликдан кўчирмалар киритилган.

Семинар-тренингнинг иккинчи қисми савол-жавоб тарзида ўтказилди. Унда журналистлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мутахассислардан ҳуқуқий тавсиялар олди.

**Ўз мухбиримиз**

ММMда

*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Интернет журналистикаси кенгашининг "Ўзбекистонда Интернет журналистикаси ривожининг долзарб масалалари" мавзуига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда турли ахборот сайтлари вакиллари, блогерлар, профессор-ўқитувчилар, Интернет журналистикаси йўналишида таҳсил олаётган талабалари иштирок этди.*

# ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА:

## кадрлар муаммоси — оғриқли нуқта

Оммавий ахборот воситалари орасида сайтлар тезкорлиги ва барча учун қулайлиги билан ажралиб туради. Шу боис уларнинг, айниқса, ахборот аудиторияси тобора кенгайиб бормоқда. Статистика маълумотларига қараганда, ахборот сайтларини кунига 500 мингдан зиёд ўқувчи кузатиб боради. Қолаверса, мамлакатимизда Интернет нашрларининг эркин фаолият юритишини таъминловчи шарт-шароит ва ҳуқуқий асос барпо этилган. Журналистлар уюшмасининг Интернет журналистикаси кенгашининг вазифаси ҳам оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган веб-сайтлар ва блогерларга яқиндан ёрдам бериш, улар олдида турган муаммоларни бирга бартараф этишдан иборат.

— Айни кунларда юртимизда кўп соҳалар қатори Интернет журналистикаси ривожланиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда, — дейди Интернет журналистикаси кенгаши раиси Гулнора Бобожонова. — Оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланиши учун зарур шароит яратиш, тармоқдан тўғри фойдаланишни ташкил этиш асосий вазифамизга айланган. Шу билан бирга, Интернет журналистикаси соҳасида қалам тебратадиган етук журналист кадрлар тайёрлаш, ахборот сайтларида эълон қилинаётган материаллар сифати ва ҳаққонийлигини назорат қилиш борасида ҳал қилишимиз зарур бўлган кўплаб муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунинг учун ёш кадрларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида сайтлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур. Бугунги кунда юқорида айтилган масалалар устида иш олиб боряпмиз.

Тадбирда юртимизда Интернет журналистикаси соҳасини ривожлантириш борасидаги таклифлар, мазкур соҳа вакиллари дуч келаётган муаммолар хусусида фикр-мулоҳазалар ҳам тингланди. Сайтларда оддий тил қоидаларига риоя қилинмайди, гап ва жумлалар ғализ, орфографик хатоларга эътибор қаратилмайди. Ҳатто тиниш белгилари ҳам ўз ўрнида қўйилмайди. Таржима қилинган ахборотлар ғализ ва тушунарсиз. "Qalampir.uz" сайти раҳбари Қамариддин Шайховнинг айтишича, мазкур соҳада саводли кадрлар танқис. Интернет нашрларига тегишли яна бир асосий муаммо — серверлар билан боғлиқ.

— Маълумотлар йиғиладиган базасиз ҳеч қандай Интернет сайти фаолият юрита олмайди, — деди Қ.Шайхов. — Ўзбекистонда эса серверлар нархлари қимматлиги сабаб биз хорижда жойлашган, яъни нархи арзон серверлардан фойдаланишга мажбур бўляпмиз. Бу эса ахборот хавфсизлигини тўлақонли таъминлашга халал беради.

**Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Биласизми?

# ПОМИДОР КУЯСИНИ ЙЎҚОТСА БЎЛАДИМИ?

*Помидор — хушхўр сабзавот, кони фойда. Бироқ сўнгги йилларда одамлар помидор сотиб олишдан аввал уни анча танлашга мажбур бўлмоқда. Чунки қурт тушган помидорлар кўпайган. Шу боис ҳам сифатли помидор етиштириш учун уни зараркунандалардан ҳимоя қилиш жуда муҳим.*

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида изланиш олиб бораётган олимлар фанга сабзавот экинлари ўсишига тўсқинлик қиладиган зараркунандалар билан кураш олиб боришнинг турли усулларини тадбиқ этмоқдалар. Ана шундай зараркунандалардан бири — помидор куяси (Tuta absoluta Meyr.). Бу зараркунанда 2015 йили асосан Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятларининг айрим иссиқхоналарида парваришланаётган помидорларни зарарлаган бўлса, 2016 йилда эса анча кенг тарқалди.

Помидор куяси помидордан ташқари картошка, бақлажон, итузум, ёввойи помидор ва тамаки экинига ҳам зарар келтиради. У ўсимлик баргининг ички қисмидаги тўқималар билан озиқланиб, баргнинг орқа ва олд томонидан юпқа парда ҳосил қилади. Битта баргда бир ёки бир нечта қурт учраши мумкин. Айрим пайтда баргни тўлиқ зарарламай бошқа баргга ҳам ўтиб кетиши мумкин. Қуртлар яшил помидор мевасининг ичига кириб олса турли касаллик туғдирувчи микроорганизмлар ҳисобига у чирий бошлайди.

Помидор куяси ўсимликнинг кўчатлик даврида тушса у гуллаш давригача нобуд бўлади. Мева тугиш пайтидан бошлаб ўсимликнинг ҳосилдорлиги 60 фоизгача йўқотилади. Кучли зарарланган майдонлардаги экинлар эса бутунлай қуриб қолиш ҳолати кузатилади.

Олимлар помидор куясига қарши кураш чораларини ишлаб чиққан. Аввало помидор уруғини экишдан олдин кимёвий препаратлар билан белгиланган тартибда ишлов бериш лозим. Шу билан бирга тупроқ ва иқлим шароитларини ҳисобга олиб, помидор ва картошка куясига чидамли бўлган нав ва дурагайларни қўллаш, уларни илмий асосда жойлаштириш, помидор экишда ўсимликларни алмашлаб экишни тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Пишиқчилик мавсуми якунланганидан сўнг олиб ташланадиган ўсимлик қолдиқларини махсус ковланган чуқур ва ўраларга албатта, кўмиш зарур. Айниқса, кўчатзорларда помидор куяси ва касалликларга қарши кураш олиб бориш яхши ҳосил манбаи ҳисобланади.

**Баҳодир ХЎЖАМУРОДОВ,**
**"Тошкент Аэро" ўсимликлар карантини чегара маскани мудири**

Реклама ўрнида

# "ҲАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР"

## дастури доирасида Қашқадарё вилоятида 320 киши иш билан таъминланди

MIKROKREDITBANK

**Хизматлар лицензияланган.**

*Халқимиз фаровонлиги ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири саналади. Ҳаётга тадбиқ этилаётган қонун, фармон, қарор ва давлат дастурлари ҳам ана шундай мақсадга қаратилган.*



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июнда қабул қилган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори аҳолининг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва уларнинг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашда янги даврни бошлаб берди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳоли ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, мазкур фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишнинг барча босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар ушбу дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

"Микрокредитбанк" АТБ айни пайтда ўз фаолияти ва асосий эътиборни маблағлари, замонавий хизматлари орқали омонатларини кўпайтираётган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бозорларимиз тўкинлиги, ҳудудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган изланувчан, ташаббускор, тадбиркор ҳамюртларимизнинг яқин ҳамкори ва кўмакчиси бўлишга қаратмоқда. Пировардида аҳолининг "Микрокредитбанк"ка ишончи тобора ортиб бормоқда. Бу микрокредит хизматларидан кенг фойдаланаётганлар сони кўпаяётганида ҳам яққол намоён бўлаётир. Хусусан, банкнинг Қашқадарё вилояти филиали "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида аҳолига имтиёзли кредит маблағлари ажратиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашмоқда. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган турли йўналишдаги тайёр бизнес-режалар тақдим этилди. Маҳсулотни ички ва ташқи бозорга чиқариш, соф фойда олишнинг янгича ва бугунги кун талаблари асосидаги йўллари ўргатилди.

— Банкимиз ходимлари асосий эътиборни Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлашга қаратаётир, — дейди "Микрокредитбанк" АТБ Қашқадарё минтақавий филиали бошлиғи ўринбосари Дилшод Убайдуллаев. — Марказий банкнинг Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 9 июнда рўйхатга олинган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисида"ги низом ишимизда кўмак бўлмоқда. Унга асосан микрокредитлар энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача, давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари учун эса дастур координаторлари хулосаси асосида шаҳар ва туманларда самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳаларга дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан кўп миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши белгиланди.

"Микрокредитбанк" АТБ Қашқадарё минтақавий филиали томонидан ўтган давр мобайнида дастур ижросини таъминлаш юзасидан 280 нафар фуқаро ҳамда 5 юридик шахсга салкам 7,2 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Бунинг натижасида вилоятда 300дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Хусусан, чорвачилик учун 2016,6 миллион сўм, иссиқхона ташкил этиш учун 2023,4 миллион сўм, паррандачиликни ривожлантиришга 612,2 миллион сўм, тикувчиликни ташкил этиш мақсадида 371,2 миллион сўм, қуёнчиликни ривожлантириш учун 68 миллион сўм, хизмат кўрсатиш соҳасига 299 миллион сўм, тадбиркорликнинг бошқа турлари учун эса 1510 миллион сўм кредит ажратилди.

Ўз фаолиятини банк кредитлари асосида бошлаган қайси тадбиркор ёки уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашмайлик, бундай имтиёз ва имкониятдан мамнун эканликларини изҳор этади.

**Бобур ШАРИПОВ, Қарши тумани:**

*— Иссиқхона қуришни анчадан буён ният қилиб юргандим. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида ажратилаётган имтиёзли кредитдан хабар топгач, "Микрокредитбанк"нинг Бешкент филиалига мурожаат қилдим. Банк ходимлари менга 27 миллион сўм имтиёзли кредит ажратишди. Шунинг ҳисобига 4 сотих ерга иссиқхона барпо қилдим. Ҳозирда иссиқхонада етиштирилаётган турли хилдаги маҳсулотларни туманимиз аҳолисига етказиб беряпмиз. Оиламизда 2 киши иш билан банд. Энг муҳими, ҳамжиҳатликда иш олиб бориш қут-барака, фаровонлик асоси эканига амин бўлдик.*

**Дилдора РАҲМОНОВА, Китоб тумани:**

*— Анчадан буён ишсиз эдим. Иш сўраб жуда кўп жойга мурожаат қилдим, лекин кўнглимдагидек иш тополмадим. Тўғриси, энди нима қилсам экан, деб ўйлаб юрган эдим. Менга бу борада "Микрокредитбанк"нинг Китоб тумани филиали ёрдам қўлини чўзди. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида 25 миллион сўм кредит олиб, паррандачилик фаолиятини йўлга қўйдим. Айни пайтда 1000га яқин товуқ боқаяпмиз. Оиламизда 3 киши иш билан банд. Даромадимиз яхши, турмушимиз фаровон.*

Мухтасар айтганда, Президентимиз ташаббуси асосида мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури ҳамюртларимиз ҳаётига қувонч, рўзғорига барака, оиласига хотиржамлик ва фаровонлик бахш этаётир.

**Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Хиёбон

# “ТЕАТР САНЪАТИ ТАСАВВУР ВА ТАФАККУР ҲОСИЛАСИ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВОСИТАСИДИР”

*Мамлакатимизда миллий театр санъатини ривожлантириш, санъатимизнинг муммоз анъаналарини асраб-авайлаш ва жаҳонга кенг тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Давлатимиз томонидан маданият ва санъат равнақи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик театр жамоаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни давр руҳига ҳамоҳанг, томошабинларни эзгуликка чорловчи, бадиий дид ва тафаккурини юксалтиришга хизмат қилувчи асарлар яратиш имконини бермоқда. Бу жиҳатлар Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топмоқда. Театр директори, Ўзбекистон халқ артисти* ***Мирза АЗИЗОВ*** *билан “Хиёбон” кезарканмиз, театр соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар, ижодий изланишлар, санъат аҳлининг халқимиз олдидаги масъулияти, санъаткорлар олдида турган муҳим вазифалар хусусида суҳбатлашдик.*

**— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни миллий маданиятимиз намояндалари, ижод аҳли билан учрашуви айнан театр соҳасида ҳам янги босқични бошлаб берди. Ўша тарихий учрашувдан сўнг мамлакатимизда миллий санъатимизнинг барча тури каби театр соҳасини равнақ топтириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётганидан хабаримиз бор. Дастлаб шу ҳақда суҳбатлашсак...**



— Давлатимиз раҳбарининг ижодкор зиёлилар билан учрашганига ҳам бир йилдан ошди. Тарихий нуқтаи назардан бу вақт унчалик катта эмас. Бироқ ўтган қисқа давр унумли ва сермаҳсул бўлгани, қанчадан-қанча муҳим масалалар ўз ечимини топгани билан эътиборга молик. Театрлар ва бошқа санъат муассасаларининг моддий-техник базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди, театр санъатини қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи ишончли ҳомийлар белгилаб олинди. Чунки ушбу муассасаларни тўлақонли ривожлантирмасдан туриб, замонавий ва юксак даражадаги спектакллар саҳналаштириш ҳамда бошқа лойиҳаларни амалга оширишнинг иложи йўқ. Кўплаб санъат арбоблари бахтига Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри, шунингдек, мамлакатимизнинг бошқа театр ва ижодий олий ўқув юртлари жамоасига муносиб иш ҳақи белгилаш масаласи ҳал этилди. Юксак фахрий унвонларга сазовор бўлган тажрибали санъат усталарига ғамхўрлик кўрсатилди — улар давлатимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилиш билан бирга, ҳозирги кунда иш ҳақи билан бир қаторда тўлиқ миқдорда пенсия ҳам олмоқда. Умуман, олдимизга қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришимиз учун зарур шароит ҳам, имконият ҳам яратилмоқда.

Энг катта воқелик — Президентимиз ташаббуси билан 73 йил деганда театримиз мукаммал таъмирланди, янги автоуловлар, мебеллар ва бошқа зарур жиҳозлар келтирилди. Театримизда музей ташкил қиляпмиз. Унда асосан санъат ва театримиз тарихи билан боғлиқ экспонатлар ўрин олади. Спектакль намойиши бошланишидан олдин хорижлик меҳмонлар, томошабинлар ушбу музейга кириб миллий театр санъатимиз ҳақида етарлича маълумот ва таассуротга эга бўлишади, деган умиддамиз.

Шу ўринда бир гап. Миллий санъатимизни ривожлантиришга қаратилаётган бундай эътибор, белгилаб берилган вазифалар ижроси ҳар доим силлиқ кечмаётгани ҳам рост. Масалан, санъат соҳаси вакилларига берилган Тошкентда доимий рўйхатдан ўтиш (прописка) имкониятини олайлик. Афсуски, бу муаммо ҳали ҳам буткул ҳал этилгани йўқ. Ҳолбуки, баъзида арзимаган муаммо, кичик бир ташвиш инсон ҳаётини бутунлай бошқа ўзанга буриб юбориши мумкинлигини ҳаётда кўп учратганмиз. Президентимиз Конституциямиз қабул қилинган куннинг 26 йиллик тантаналарига бағишланган маросимда ҳам айни муаммога алоҳида тўхталиб ўтди. Бу жуда муҳим масала. Чунки инсон ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлмаслиги керак. Кўпчилик ёшлар ўзларига берилган имтиёзлардан фойдалана олишмаяпти. Ёш оилалар учун қурилаётган арзон уй-жойлар, Ёшлар иттифоқининг ёш оилалар учун ажратаётган имтиёзли уйларини олиш уларга насиб этмаяпти. Чунки доимий рўйхат (прописка)дан ўтмаган. Ўйлайманки, Маданият вазирлиги мутасаддилари бу масалани яна бир бор ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам қўлини чўзадилар.

Нима бўлганда ҳам бир нарсадан доимо фахрланиб юраман: дунёнинг ҳеч бир мамлакатида маънавият, маданият ва маорифга юртимиздаги каби эътибор қаратилмаслиги айни ҳақиқат. Бу ғамхўрликлар, ўз навбатида, комил инсонни тарбиялашда асосий омил бўлади.

**— Театр раҳбари ушбу соҳанинг баланд-пастини яхши англайди, қайси актёр нимага қодир эканини билади. Театрдаги илк ролингизни айнан шу даргоҳ саҳнасида ижро этган экансиз. Ўша пайтдаги муҳит билан бугунги кундаги фарқ ва ўзаро боғлиқликни қандай ифодалайсиз?**

— Жуда катта ҳам фарқли, ҳам боғлиқлик томони бор. Ижобий маънода ҳам, салбий маънода ҳам. Ижобий маъноси шундаки, 1989-1990 йилларда театримиз эшигидан Ўзбекистон халқ артистлари, ўзбек мусиқали театрининг асосчилари Маҳмуджон Ғафуров, Фароғат Раҳматова, Сурьат Пўлатов, Абдуғофир Абдураҳмонов, Ҳусан Шарипов, Собиржон Раҳимжонов, Наби Халилов сингари санъат дарғалари кириб чиқарди. Мана шу инсонларнинг ўрни ҳозир жуда билинади. Улар бор пайти театрдаги барча ижодкор қандайдир бошқача кайфиятда ишларди.

Қарийб 30 йиллик вақт мобайнида истеъдодли, жарангдор овозга эга ёш истеъдодлар ҳам пайдо бўлди. Айниқса, 2000 йилдан бошлаб театримизга кўпгина истеъдодли йигит ва қизлар келиб фаолият юрита бошлади. Бу театримизнинг ютуғи, албатта. Негаки, саҳна жонли жараён. Унда истеъдод ва истеъдодсизлик яққол намоён бўлади. Зотан, театр санъати тасаввур ва тафаккур ҳосиласи, маънавий юксалиш воситасидир.

Шу кунгача жаҳон стандартларига мос келадиган спектакллар яратишга ҳаракат қилиб келяпмиз. 2016 йил “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зуҳра” спектаклларини саҳналаштирдик. 2017 йили Қўчқор Норқобил қаламига мансуб “Дилдаги доғ” спектакли Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган халқаро театр фестивалида 1-ўринга муносиб кўрилиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров “Энг яхши эркак роли учун” номинациясида ғолиб деб топилди.

Театр ўз ҳолича тараққий этолмайди. Сўнгги йилларда китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу ўринда бир ҳолатни, яъни газета ўқишни ҳам оммалаштириш керак, деб ўйлайман. Афсуски, кўпчилик газета ўқишни унутиб қўяяпти. Ҳаёт фақат бозорга бориш, қорин тўйдириш, башанг кийиниш ёки ҳашаматли бино қуришдан иборат эмас-ку? Тўрт қаватли шоҳона уйда яшаб маънавияти бутун бўлмаса, у инсоннинг бошқа маҳлуқотдан қандай фарқи бор?

Кишининг маънавиятли, маданиятли шахс бўлиб етишишида театрнинг роли жуда катта. Бироқ ўзбек театрида ҳали кашф этилмаган ижодий қўриқлар кўп. Шу сабаб санъат соҳасига, жумладан, театрлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор беряпти. Президентимизнинг Маданият вазирлиги билан Мудофаа вазирлигининг вазифалари бир-бирига жуда яқин. Мудофаа вазирлиги мамлакатни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя этса, Маданият вазирлиги бизнинг қалбимизни, онгимизни ҳимоя қилади, эзгулик уруғини экади, тўғри йўлга бошлайди, деган фикрларини доимо фахр билан такрорлайман. Зеро, бу сўзларнинг замирида олам-олам маъно бор.

Бадиий жиҳатдан юксак пьеса ва спектакль яратиш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Бугун ҳам шундай. Фарқли жиҳати — ҳозир санъат турлари орасида рақобат кучли, томошабин зийрак ва ақлли. Инсон қалби учун азалий кураш кескинлашган. Бу бизнинг зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

**— Ҳар бир инсон келажакда қайси соҳанинг эгаси бўлишида оиладаги муҳит жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса, ижодкорларда. Сизнинг санъатга бўлган иштиёқнинг илк учқунлари қачон ва қай ҳолатда сезилган?**

— Чустий домланинг бир байтлари бор: *“Даврида Фарҳоддек базмин қизитган, Чустиймен, зарралик вақтимдаёқ мақсадга етган, Чустиймен...”.*

Ҳар бир ота-она фарзандини комил инсон бўлиб вояга етишини хоҳлайди. Бобом Азизхон ҳофиз, дадам Маҳаммадхон ҳофиз ширали овоз соҳиби бўлган, ўз даврида ном чиқарган. Мана шу муҳитда вояга етганман. Мен оилада кенжа фарзандман. 5 ёшимда дутор ва рубоб чалиб, ашула айтган эканман. Мактабнинг 3-синфига борган кезларимда дадам “Ўғлим, қоғоз билан қалам олинг” дерди. Баёт-1, Баёт-2 ва Самарқанд ушшоғини сўзма сўз айтиб ёздирарди. Шунда онам “Ёш болани қийнаб нима қиласиз?” деса, отам: ”мен ҳаётлигимда Шашмақомни ўрганиб олсин. Улғайгандан кейин “Қошингга ўсма қўйиб”ни айтаверади” дер эди. Чунки ўша пайтда “Қошингга ўсма қўйиб” ашуласи ниҳоятда урфга кирганди. Мен ёш онгу тасаввурим билан ўша қўшиқларни қизиқиб ижро этардим. Ора-орада дадам ҳам менга қўшилиб куйларди.

Мактабнинг юқори синфида ўқиётган кезларимда “Ким бўлишни орзу қиласиз?” номли иншолар танлови бўлганди. Мен ўз иншомда Тошкент давлат театр ва рассомчилик санъати (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтининг мусиқали театр актёрлиги факультетига ўқишга кираман, деб ёзганман. Нима учун мусиқали драма йўналиши, десангиз, яъни, ушбу йўналишда ўқисам ҳам хонанда, ҳам актёр бўламан, деб ўйлаган эканман. Мактабда ҳам ижодий руҳ устун эди. Шеърлар ёдлардик, композиция тайёлардик, қушлар байрами, гуллар байрами бўладими, хуллас ҳар бир тадбирда турли кўринишлар саҳналаштирардик. Улардан бири “Бой ила хизматчи” бўлган.

Отам Чустий домла, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий билан маслакдош бўлган. 1929-1932 йилларда Тошкентда биринчи этнографик ансамблда, мақом ансамблида ишлаган. Оиладаги санъатга муҳаббат руҳини кўриб опаларим, акам ҳам қўшиқ куйларди. Лекин улар орасида фақат мен санъат соҳасида фаолиятимни давом эттирдим.



**— Халқимиз сизни кинода, асосан “Кўнгил кўчалари” сериалидаги Санжар образи орқали таниган. Ўтган давр мобайнида бир қатор фильмларда қаҳрамонлар кечинмалари ва уларнинг турфа тақдирларини ижро этдингиз. Улар орасида ўз “мен”ингизни очиб берадиган ролингиз борми? Ёки умуман феъл-атворингизга ёт бўлган образни талқин этиш машаққати қанчалик даражада таъсир қилади?**

— Биласизми, инсоннинг ички оламида қанақа “мен”и бўлишидан қатъи назар агар касби актёр бўлса бойми, гадоми, қабиҳ кимсами, жаллодми ҳамма ролни ижро этишга мажбур. У шу касбни танлаган. Касбга хиёнат қилиб бўлмайди. Масалан, шифокорларнинг Гиппократ қасами бор. Улар душманини ҳам даволашга мажбур. Санъаткорнинг вазифаси ҳам жуда улуғ. Санъатнинг биринчи вазифаси — инсонларни тарбиялаш. Устозларимиз бир гапни кўп такрорлашарди: “Санъаткор ҳар доим огоҳлантириб яшаши, турли иллатлардан инсонларни огоҳ этиши керак. Санъат ҳаётдан 10-15 йил олдинда юриши керак”. Дарҳақиқат, санъат қалбингизнинг туб-тубидаги саволларга



жавоб бера олиши, жамиятдаги ютуқ ва муаммоларни очиқ, ошкора кўрсатиб бериши керак. Спектаклми, киноми унда албатта, салбий ёки ижобий образлар бўлади. Хоҳлайсизми, йўқми санъаткор уни ижро этиши — ўз “мен”идан кечишга мажбур. Санъатнинг вазифаси эса эзгулик тарқатишдир.

Ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсон образи жонли бўлса, томошабин унинг кечинмаларини ўзидан топа олса, шу образ халқ қалбидан чуқур жой олади. Ҳеч қачон хато ё гуноҳ иш қилмайдиган, ҳар томонлама мукаммал одамни бош қаҳрамон, деб билиш дунё санъатида ҳам, томошабин тасаввурида ҳам аллақачон эскириб улгурди...

**— Инсон қайси соҳада фаолият юритишидан қатъи назар оиласи тинчлиги ва мустаҳкамлиги унинг хотиржам ишлашида муҳим аҳамиятга эга. Фаолиятингизда гастрол, кино ва театр фестиваллари кўп вақтингизни олади. Оила ташвишлари ва фарзандлар тарбияси борасида вақтингиз етмай бу соҳани танлаганингизга афсусланиш ёки бу соҳани ташлаб кетиш хаёли ҳам бўлганми?**

— Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрига 1989 йилда ишга кирганман. Театр ана шу пайтда жуда оғир кунларни бошидан кечираётганди. 100 сўм ойлик олардим. Турмуш ўртоғим Тожибар уйда икки фарзанд тарбияси билан банд бўлган. Ўзимиз сотиб олган кооператив уйга ҳар уч ойда 120 сўм тўлашга тўғри келарди. Маош ҳаминқадар, моддий етишмовчилик боис, жуда қийин кунларни бошдан кечирганмиз. Ўша пайтда 100 сўм ойлик билан оила боқиш, умуман, барча харажатга етказишим лозим эди. Баъзан уй учун тўловга пулимиз етмай қоларди. Ўша йиллардаги қийинчилик туфайли кўп истеъдодли санъаткорлар ўз касбини ташлаб бошқа соҳага ўтиб кетган. Бу — касбга вафосизлик эмас, замона зайли шунга мажбур қилган.

Шу ўринда бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. 1993 йил эди, бир куни ойлик маошимни олиб уйда чустча палов пишириб бериш мақсадида гўшт, гуруч, ёғ, умуман ошга керакли масалliқларни олиш учун Чорсу бозорига тушдим. Бозор айланиб кўрсам, бир ойлик маошим фақат икки ярим кило гўштга етар экан. Ишонасизми, кўзимдан ёш чиқиб кетган. Бир ой ишлаб топган пулим арзимаган маҳсулотга аранг етса, бу туришда қандай яшайман, деб ич-ичимдан эзилганман. Лекин шундаям театрни ташлаб кетаман, деган хаёл бўлмаган. Ўша пайтда Чустда 13 сотихли, барча шароитга эга кенг ҳовлимиз бор эди. Кўпчилик Тошкентдан қайтиб келишимни, туман маданият бўлимига раҳбар бўлиб ишласам, хизмат машинаси, 300-400 сўм маош берилишини ҳам айтган. Қийинчиликни бошимдан ўтказаётган бўлсам ҳам бу таклифга рози бўлмаганман. Бунинг бир сабаби, театрга бўлган муҳаббатим бўлса, иккинчиси, сиз айтгандек ўз “мен”им йўл қўймаган чоғи. Негаки, кимнингдир “Мирза Азизов Тошкентда артистлик қила олмай қайтиб келибди” дейишини иснод санаганман.

Қийин кунларда устозларимизга арз қилсак, улар “одамни иш қутқаради” дея қайта-қайта такрорлашарди. Баъзида “иш қутқаради” деган тасаллининг туб моҳиятини тушунмаганмиз. Йиллар ўтиб, инсон танлаган соҳасини чиндан севиб, сидқидилдан ҳаракат қилса ҳақиқатдан ҳам уни қийин вазиятлардан иш қутқаришини англаб етдик. Яна бир томони борки, мен ўта иқтидорли инсонмасдирман, лекин нимага эришсам — меҳнатим самараси деб биламан. “Яхшилик қил” деган шиорни ҳаётим давомида доимо қўллаб келаман. Шоир айтганидек,

***Жаҳонда бир нишона, яхшилик қил,***
***Ўзингни ишқнинг шамига пилик қил...***

**— Театр ва кинода бир қатор салбий роллар орқали ҳам томошабин эътиборини қозонгансиз. Бу ўзингизнинг танловингизми ёки бошқа сабаб борми? Ҳойнаҳой, бунинг учун дакки эшитган бўлсангиз ҳам керак?**

— Ҳа, кўп эшитганман. Баъзида бадиий адабиёт ўқимайдиган, санъатни тушунмайдиган оддий томошабинлар қолиб айрим киношунос, адабиётшунос ёки журналистлар “Фалон ролингиздан кейин сизни ёмон кўриб қолдик”, деганга ўхшаш гапларни айтганда рости, хафа бўлиб кетаман. Уларга “санъатга яқин соҳада ишлаб сиз шундай фикрда бўлсангиз, мен бошқалардан нима кутишим мумкин, мени ҳаётда яхши билмай, аҳлоқ одобимдан хабардор бўлмай шу гапни гапиряпсиз” деган мазмунда жавоб берган пайтларим ҳам бўлган. Ҳозир бундай фикрларга кўникиб ҳам кетдим. Энди шундай фикр билдирганларга “ҳаётда кўп бор ёмон инсонларга дуч келаверганим сабаб салбий ролларни яхши ижро этадиган бўлиб қолганман”, дея ҳазиллашиб ҳам қўяман. Баъзилардан эса илиқ фикрни эшитганимда демак, образнинг туб моҳиятини англаб етибди, деган хулосага келаман.

Спектаклларда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топиши жамиятимиздаги иллатларга қарши курашишда жуда муҳим. Чунки халқ бу иллатларга муросасиз бўлмас экан, бундай муаммоларнинг илдизи қуримайди. Томошабин унутмаслиги керак, актёр салбий талқинлар воситасида ичимизда яшириниб ётган жирканч иллатларни очиб ташлайди. Буларга қарши курашиш, огоҳ бўлишга чорлайди.

**— Президентимизнинг “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида сиз раҳбарлик қилаётган театр саҳнасида “Сарвқомат дилбарим” асари қайтадан саҳналаштирилди. Шу хусусда тўхталсангиз...**

— Чингиз Айтматов XX асрда Марказий Осиёдан чиққан ягона жаҳон мумтоз адиби ҳисобланади. У дунё адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк шахс. Нафақат адабиёт, балки маънавият, сиёсат соҳасида ҳам жамоат арбоби эди. У ҳатто мустабид совет тузуми давридаёқ илоҳиёт билан боғлиқ катта асарлар ярата олди. Бу ўша пайтда катта жасорат эди...

Ўтган асрнинг 60-йилларида “Сарвқомат дилбарим” асари саҳналаштирилган. Шу кунларда театримизнинг иқтидорли ёшлари иштирокида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, режиссёр, Рамзиддин Қодиров билан ушбу асарни қайта саҳналаштирдик. Уни Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси, элчихона ходимлари ва кўплаб қирғиз санъаткорлари келиб томоша қилишди ва ижобий баҳолади.

Икки ижронинг бир-биридан фарқи шундаки, эскисида юзакироқ ёндашилган, назаримда. Масалан, Ҳадича образи шунчаки маънавий бузуқ аёл сифатида тасвирланади. Йўқ, Ҳадича бузуқ аёл эмас, у Асал образидан-да кучли образ. У ҳаётда фақат Илёсни деб яшайди. Тўғри, у қилган катта хато бировнинг эрини ўзига қаратиб, никоҳсиз яшаганлиги. Шу сабаб асар давомида ўз жазосини олади. Ҳадича Илёсдан ажрагандан сўнг шимолий Қозоғистон томонга кетади. У севгисига содиқ қолади: бирорта эркакка қиё боқмайди. Унинг севгиси — чин инсоний муҳаббат. Асардаги яна бир образ — Жонтой. У шунчаки қора қалбли, қитмир одам эмас. У Ҳадичани чин дилдан севади. Афсуски, Ҳадича Илёсни севгани боис унга рад жавобини беради.

“Сарвқомат дилбарим” асари вақт ўтган сайин сайқалланиб боряпти. Янгитдан саҳналаштирилган ушбу асар томошабинга бу дунёда ҳеч нарса жавобсиз қолмаслигини яна бир бор уқтирган бўлса театримиз жамоаси ўзини олдига қўйган мақсадга эришган, деб ҳисоблайди.

**“Milliy tiklanish” мухбири**
**Дилфуза МАҲКАМОВА**
**суҳбатлашди**

**ЭЪЛОН!**

“Grand intelligensi” оилавий корхонаси 30 ноябрь 2018 йилги таъсис йиғилиши қарорига асосан ўз фаолиятини тугатганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

*Мурожаат учун телефон: 93-555-66-57*

* * *

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицей томонидан **Обидов Муҳаммаджон Зоҳидович**га 2017 йил 15 июнда берилган **LNº 31453** рақамли дирлом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1216, Адади — 3500. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Дилфуза МАҲКАМОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.20. ЎзА якуни — 22.35

ISSN 2010-7714
1 2 3 4 5